

ЎЗБЕК ХАЛҚ  
ИЖОДИ  
ЁДГОРЛИКЛАРИ



15

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ЁДГОРЛИКЛАРИ**

**100 жилдлик**



**Faafur Fyulom nomidagi  
наширёт-матбаа ижодий уйи  
ТОШКЕНТ – 2022**

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Ўн бешинчи жилд

# ЁЗИ БИЛАН ЗЕБО

*Достонлар*



**Таҳрир ҳайъати:**

Бахром Абдуҳалимов, Маматқул Жўраев (ҳайъат раиси), Тўра Мирзаев,  
Низомиддин Маҳмудов, Сироҷиддин Саййид, Усмон Азим, Лазиз Тангриев,  
Шомирза Турдимов, Жаббор Эшонкулов, Ҳабиб Абдиев

Сўзбоши, илмий изохлар, баҳшилар ва ёзиб олувчилар ҳақидаги маълумотлар,  
лугат ва резюме билан нашрга тайёрловчи:

**Маматқул ЖЎРАЕВ**

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими,  
филология фанлари доктори, профессор

*Масъул муҳаррир:*

**Тўра МИРЗАЕВ**

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,  
филология фанлари доктори, академик

*Такризчилар:*

филология фанлари доктори

**Шомирза ТУРДИМОВ,**

филология фанлари номзоди

**Дилшод РАЖАБОВ**

Ёзи билан Зебо Ж. 15: Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. – Тошкент: Faafur  
Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2022. – 472 б.

УЎК 398.22+82-131

КБК 82.3(5Ў)

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
академияси Ўзбек тили, адабиёти ва  
фольклори институти, 2022

© Faafur Ғулом номидаги нашриёт-  
матбаа ижодий уйи, 2022

ISBN 978-9943-5697-5-1



## ҚҰШИҚҚА АЙЛАНГАН МУҲАББАТ ҚИССАСИ

Яқинда халкимизнинг беназир ижодий дахоси туфайли яратилиб, асрлар мобайнинда сайкалланиб, янада гўзаллашиб, баркамоллашиб келган номоддий маданий мерос дурданаларини тўплаш ва фольклор ижрочилигининг ҳозирги ҳолатини бевосита жонли ижро жараёнида ўрганиши максадида Фаргона водийисида фольклор экспедициясида бўлдик. Сафар давомида жуда кўплаб алла, лапар, ўлан, ёр-ёр, йиги-йўқлов, топишмок, мақол, латифа, асқия, афсона, ривоят, маросим кўшиклари ва айтим-олкишларни ёзib олар эканмиз, қадими кўшиклар диёрининг бокий оҳанглари ўзининг нақадар серкирралиги ва гўзалиги билан бизни лол қолдири. Экспедициямиз нихоялаб, “дала ёзувлари” тўла дафтарларимизни тартиблаштириб, кайтиш тараддудини кўраётган эдик, наманганлик адабиётшунос дўстларимиздан бири Чуст туманидаги Ариқбўйи кишлогида халқ кўшикларининг билгич, кўймакулок ижрочиси Раҳмонқул Кўчимов (1932 йил) яқин-яқинларгача ўлан айтиб, тўйхашамларни, сайилларни қизиттани ҳақида айтиб қолди. Асрлар силсиласи оша етиб келган бадиий тафаккур дурданаларига ошуфта фольклоршунос учун бундай маълумот жудаям мухим. Шу боис, бу хушхабардан бошимиз осмонга етгудек кувониб кетдик ва эртаси куни барвакт ўша манзил сари отландик. Кун терак бўйи кўтарилиганда Ариқбўйи кишлогига етиб келдик. Қишлоқка киравериша бежиримгина килиб курилган кенг айвонли бекат бор экан. Ана шу бекат ёнидаги садакайрагоч соясидаги кўлбола “тошкурси” устида ўтирган кекса бир отахонга кўзимиз тушди. Раҳмонқул отанинг уйи қаердалигини шу кишидан сўраб билайлик, деб машинадан тушдик. Салом-алик килиб ҳол-ахвол сўрашгач, мақсадимизни айтган эдик, кўшиқ излаб келганимизни эшитган отахон, мийигида кулимсираб, бирпас кўзларини юмганча тин олиб турдилар-да:

Зебожон, турғин бўйингни кўрайин,  
Сумбулу райхон сочингни ўрайин.  
Сумбулу райхон сочингдир беш бурам,  
Бирисин олиб хон қизига берайин.

Дарёнинг нарёғида тут пишибди,  
Зебожоннинг кўзига гул тушибди.  
Бозор борсам дори-дармон олгани,  
Юрак-бағримга ишқ ўти тушибди.

Зебо, Зебо деганда Зебо санам,  
Зебомни кўрмаганда девонаман.

Насиб қылса, бир кўрсам Ой Зебомни,  
Бешикдаги боладай кувонаман, –

деб кўшик айта бошлади. Ўшанда отанинг ёнида ўтириб, кўшик мисраларини бирма-бир “дала дафтарим”га ёзаяпману, очигини айтсан, ўзимда йўқ хурсанд эдим. Чунки бу кўшик халқимизнинг энг севимли эпик асарларидан бири – “Ёзи ва Зебо” достонининг парчаси эди. Кейин билсак, биз бекатда учратган киши Раҳмонкул отанинг ўзи экан. Биз водий бўйлаб ўтказган экспедициямиз давомида “Ёзи ва Зебо” достонининг ўнлаб намуналари, бу эпик сюжетнинг эртак сифатида оммалашган кўплаб намуналари, шунингдек, алоҳида кўшиклар тарзидаги намуналари ёзиб олинган бу ўлкада ушбу достон кўшикларини ҳам излаган эдик. Раҳмонкул отанинг кўшигини тинглар эканман, олис-олислардан Янгиқўргон туманининг Оариқ кишлогида яшаган таникли баҳши, Кўлбўқон достончилик мактабининг вакилларидан бири Раззок Қозокбай ўғли куйлаётган “Ёзи ва Зебо” достонининг акс садоси эшитилаётгандай бўлди.

Халқимиз орасида Ёзи билан Зебонинг оташин муҳаббати ҳакидаги сюжет достон, ривоят, афсона, эртак ва кўшиклар сифатида кенг тарқалган бўлиб, фольклоршуносликда “Ёзи билан Зебо” достони ҳамда ёзигарлик кўшикларини айтиш анъанаси ҳакида муҳим илмий қайдлар мавжуд. Атокли олим X.Зарифов ўзбек фольклористикаси тарихига доир бир мақоласида ушбу достоннинг жанр хусусиятлари ва ижро усули ҳакида шундай ёзган эди: “Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, ўзбек дехқони ер хайдаш ва ўрим-йигимда ишкий-романик достон “Ёзи билан Зебо”дан олинган кўшикларни куйлади. Ёзи достонда ўз хўжайнининг қизини севиб қолган камбағал батрак, дехқон ошик образидир. Ер хайдашда достондан олинган кўшик асосан кўшикчининг ўзи томонидан куйланади. Ҳосилни ўриб-йигиб олишда эса, кенг майдонда маълум бир тўда кишилар ишлаганилигидан уни маҳсус кўшикчилар – ёзичи, ёзигўйлар куйлади, колганлари жўр бўлади”<sup>1</sup>.

Ўтган асрнинг 50-йилларида этнограф К.Х.Кармишева Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги Тогчиён кишлогида бугдой ўримида “Ёзи билан Зебо” достонидан парчаларни ижро этувчи “ёзигўй”лар репертуаридаги кўшикларни ёзиб олган. Тогчиёнлик Эшкўзи ёзикаш ҳакидаги материалларни тўплаган олима ёзигўй ёки ёзикашларнинг бугдой ўримида иштирок этиши анъанаси кирк, лакай, дўрман каби ўзбек уруглари орасида ҳам мавжуд бўлганилигини аниклаган<sup>2</sup>.

“Ёзи билан Зебо” достонининг Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Фарғона водийсида мавжуд бўлган варианларини тўплаш билан изчил шуғулланган филология фанлари номзоди О.Собиров достоннинг Ўрқ Расулов, Мамашариф Эшмуродов ва Худойқўл шоир Яхшиевлардан ўзи

<sup>1</sup> X. Зарифов. Ўзбек совет фольклористикаси тарихидан // Ўзбек совет фольклори масалалари. – Тошкент, 1970. 266–267-бетлар.

<sup>2</sup> Б.Х. Кармишева. Об узбекских трудовых крестьянских песнях (материалы) // Сборник статей по истории и филологии народов Средней Азии. Памяти М.С.Андреева. – Сталинабад, 1960. 72–76-стр.

ёзб олган варианtlари асосида унинг йигма матнини тушиб, “Шарқ юлдузи” журналида чоп эттирид<sup>1</sup> ҳамда вактли матбуотда бу асардан бир парчани оммалаштириди.<sup>2</sup> Достоннинг бу йигма матни 1962 йилда “Келиной” достони билан биргаликда О.Собировнинг сўзбошиси ва изохлари билан алохида китоб ҳолида ҳам нашр этилди.<sup>3</sup> “Ёзи билан Зебо” достонининг янги варианtlари ёки унинг парчаларини тўплаш борасидаги изланишларини давом эттирган олим унинг ўн тўккизта намунаси, хусусан, Рафик Мўмин томонидан пойтуғлик Ёрмат бободан ёзб олинган вариант, шунингдек, нисбатан мукаммал деб хисобланган Ўрок Расулов, Риза Тўлаев, Мамашариф Эшмуродов, Ҳожиакбар Кўчимов варианtlари асосида ўзи тайёрлаган йигма матнини янада тўлдириб, “Ёзи билан Зебо” достони ҳакида номли сўзбоши билан нашр этиди.<sup>4</sup> Бу китоб 2010 йилда “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан кайта босилди.<sup>5</sup> Бир неча варианtdа ёзб олинган ҳалқ достонларининг йигма матнини тайёрлаш анчайин баҳсли масала бўлиб, “Ёзи билан Зебо”нинг ушбу нашри хусусида Х.Зарифов ҳам “илмий ходим О.Собиров унинг йигма варианtlарини тушиб, оммавий нашрга тайёрлаган ва босилиб чиқди. Бунинг қанчалик йигмалиги ҳали кенг муҳокама талаб этади”,<sup>6</sup> – деб ёзган эди.

Бизнингча, бевосита жонли ижро ҳолатида ёзб олинган фольклорасари, шу жумладан, достонларнинг ҳар бири алохида мустакил асардир. Достонларнинг ҳар бир варианти муайян ижрочининг ўзига хос бадиий маҳорати ва эпик хотираси маҳсули, алохида ижро акти намунаси хисобланади. Яъни, бевосита жонли ижро шароитларида ёзб олинган ҳар бир достон (у неча вариант бўлишидан қатъий назар) алохида асар сифатида баҳоланиши керак. Шундай экан, оғзаки анъанада етиб келган ва ижро пайтида ёзб олинган достонлардан йигма матн тузиш тўғри эмас, деб хисоблаймиз. Ҳалқ эпосининг XVII–XIX асрларда китобат килинган намуналари ёки фольклор сюжетлари асосида юзага келган ҳалқ қиссаларининг котиблар тарафидан кўчирилган бир неча нусхалари асосида тузилган йигма матнлар бундан мустаснодир. Биз “Ўзбек ҳалқ ижоди ёдгорликлари”нинг мазкур жилдини тайёрлаш чоғида “Ёзи билан Зебо” достонининг ҳар бир варианти ўзига хослиги билан ажralиб туришини хисобга олган ҳолда О.Собиров тузган йигма матндан фойдаланмадик.

Фарғона водийси аҳолисининг фольклорини тўплашга катта хисса қўшган Т.Ғозибоев 1961–1963 йилларда “Ёзи билан Зебо” достонининг Ҳожиакбар aka Кўчимов, Олимбой Сойиббоев, Абдулла кори Худоёров, Ёкуббой ёзичи,

<sup>1</sup> “Ёзи билан Зебо” (йигма матнни тайёрловчи О. Собиров) // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1957. – 4-сон. 93–120-бетлар.

<sup>2</sup> Собиров О. “Ёзи билан Зебо” // Ёш ленинчи. – Тошкент, 1958, 8 апрель.

<sup>3</sup> “Ёзи билан Зебо” (достон). Ёзб олувчи ва ишлаб нашрга тайёрловчи О.Собиров. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1962. – Б. 3–75.

<sup>4</sup> “Ёзи билан Зебо” (достон). Ёзб олувчи ва ишлаб нашрга тайёрловчи О.Собиров. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1978. 96-б.

<sup>5</sup> “Ёзи билан Зебо” (достон). Ёзб олувчи ва нашрга тайёрловчи О.Собиров. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2010. 104-б.

<sup>6</sup> Х. Зарифов. Кўрсатилган мақола. 267-б.

Адаш полвон, Холмирза Худойберганов, Шерзода (Дехқонбай Баҳромов), Отавали Усмонов, Маманазар Ироилловлар ижросидаги Наманган вариантиларини ёзиб олиб, уларнинг қиёсий таҳлилига доир мақола чоп эттириди.<sup>1</sup>

“Ёзи билан Зебо” достонида меҳнат мавзуси ва ёзигўйлик кўшикларининг галлакорлик билан боғликлари масаласи К.Очиловнинг мақола ва номзодлик диссертациясида ёрнитилди.<sup>2</sup>

Маълумки, ёзигўйлик анъанаси Афғонистонда яшовчи ўзбеклар орасида ҳам кенг тарқалган. 1981 йилда немис олими И.Талҳаммер “Ёзи ва Зебо” достонининг Човузғон, Балх ва Фарёбдан ёзиб олинган 29 бандлик бир парчасини илмий изоҳлар билан чоп эттирган.<sup>3</sup> Афғонистонда истикомат килувчи ўзбеклар фольклорини ўргангандан немис олимаси Ингеборг Балдауф “Ёзи билан Зебо” достонидан айрим парчаларни ёзиб олиб, нашр этган.<sup>4</sup>

Мамлакатимиз мустакилликка эришгандан кейин, миллий кадриятларимизни тиклаш ва кенг оммалаштиришдан иборат қизгин жараён фольклор асарларини, шу жумладан, “Ёзи билан Зебо” достонини ўрганиш борасидаги изланишларни ҳам кучайтириди. Журналист Ҳабибулла Faфур 1992 йилда деновлик 86 яшар Карим бобо Ҳайитовдан ёзиб олинган “Ёзи” кўшиғининг икки вариантини нашр эттирган.<sup>5</sup>

Карши давлат университети ўқитувчиси Д.Халилова “Ёзи билан Зебо” достонининг Раззоқ бахши Қозоқбай ўғли, Амин шоир Малик ўғли, Мехмон Ҳошимов, Олимжон Сойибоев, Боки Пирназар ўғли, ота-бала Қодир бахши ва Абдуқаҳҳор бахши вариантлари, шунингдек, Курбон Хушвакт ўғли ва Ният Худойбердиевдан ёзиб олинган парчалари ҳамда О.Собиров тайёрлаган йигма матнни қиёсий таҳлил килиб, уларнинг ўзаро фарқли ва муштарак жиҳатларини аниклаган. Бу достон сюжетининг келиб чикиш тарихи ва асарнинг бадиий хусусиятларини ўрганиб, 2004 йилда “Ёзи билан Зебо” достонининг вариантлари ва бадиияти” мавзусида номзодлик диссертациясини химоя килган.<sup>6</sup>

<sup>1</sup> Т. Фозибоев. “Ёзи билан Зебо” достонининг Наманган вариантилари // Наманган давлат педагогика институтининг илмий асрлар тўплами. – Наманган, 1964.


<sup>2</sup> К. Очилов. “Ёзи билан Зебо” достонининг меҳнат кўшиклари билан боғланишига доир // ЎТА. – Тошкент, 1971. – 4-сон. 54–57-бетлар; Ўша муаллиф. Ўзбек халқ меҳнат кўшиклари (Қашқадарё вилояти материаллари асосида): Филол. фанлари номз. диссертацияси. – Тошкент, 1974. 10–11, 16–20-бетлар.

<sup>3</sup> Thalhammer I. Die Ballade von Jazi und Zeba – ein Refle[ des Zwieapalts nomadischsehaft in der afgano-özbekischen Folklore. In: CAJ 25.1–2.1981. 131–146.

<sup>4</sup> Ingeborg Baldauf. Materialien zum Volkslied der Özbek Afghaniastans / Reihe Islam & Ethnologie Band 3. Verlag Andreas Gehlign. - Emsdetten: Gehling, 1989. – Р.672.

<sup>5</sup> Ҳабибулла Faфур. Халқ ўйинлари, кўшиклар ва анъаналарига бир назар. – Тошкент: Камалак, 1992. 44–48-бетлар.

<sup>6</sup> Д. Халилова. “Ёзи билан Зебо” достони ҳакида // Гулистан. – Тошкент, 2001. – 6-сон. 60–61-бетлар; Янаўша. “Ёзи билан Зебо” достонида дехқончилик меҳнатиталкини // ЎТА. – Тошкент, 2002. – 5-сон. 54–56-бетлар; Яна ўша. “Ёзи билан Зебо” достони сюжетининг генезиси // ЎТА. – Тошкент, 2003. – 6-сон. 71–74-бетлар; Яна ўша. “Ёзи билан Зебо” достонида айрим сўзлар изоҳи // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Карши, 2004. 112–113-бетлар; Яна ўша. “Ёзи билан Зебо” достонининг вариантилари ва бадиияти: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2004.



Фольклоршунос олим А.Эргашев “Ёзи ва Зебо” достонида урфодатларнинг бадиий талкини,<sup>1</sup> М.Муродов ва А.Эргашев мазкур достоннинг Кодир баҳши Раҳим ўғли ҳамда унинг ўғли Абдукаҳхор баҳши вариантининг ўзига хос хусусиятларини ўрганди.<sup>2</sup> 2000 йилда А.Эргашевнинг тадқиқотчи Д.Халилова билан ҳамкорликда ёзган “Ёзи билан Зебо” – ишқ достони“ номли рисоласи нашр этилди.<sup>3</sup> 2002 йилда “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”нинг 3-жилдидаги Т.Мирзаевнинг “Ёзи ва Зебо” достонига оид кискача кайдномаси чоп этирилди.<sup>4</sup>

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги Газарак қишлоғида сакланниб қолган фольклор намуналарини тўплаган кекса муаллим Немматулла Ҳоксорий шу қишлоқлик Эшмат ёзигўйнинг бугдой ўрими чогида ижро этган ёзигарлик қўшикларини ёзиб олиб, “Газарагим – гавҳарим” номли китобига кирилди.<sup>5</sup>

Ёш этнограф П.П.Норбӯтаевнинг номзодлик диссертациясида “Ёзи билан Зебо” достонида ифодаланган хўжалик юритиш анъаналари ва оиласий-маший маросимларнинг акс этиши жараёнлари этнологик нуктаи назардан тадқик килинди.<sup>6</sup>

Юқоридаги кискача тахлил шуни кўрсатадики, ҳанузгача “Ёзи билан Зебо” достонининг хозирга қадар ёзиб олинган барча вариантлари (ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти Фольклор архивида бу достоннинг 15 та тўла вариантни, 33 та шеърий парчалар, насрой байн ва эртак сифатидаги намуналари сакланади) киёсий тахлил килиниб, бу эпик анъананинг ҳудудий-локал хусусиятлари, ёзигўйларнинг бадиий маҳорати ва достон поэтикаси масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

\* \* \*

Гўзалликка ошуфта ижодкор ҳалқимиз томонидан яратилган ишқий-романик эпоснинг дурдона асарларидан бири хисобланадиган “Ёзи ва Зебо” достони ҳалқимиз орасида жуда кўплаб вариантларда кенг тарқалганлиги ва муҳлислар томонидан фоят севиб тингланганлиги билан алоҳида ажralиб туради. Фольклористик тадқиқотларга кўра, Ёзи билан Зебонинг покиза

<sup>1</sup> А. Эргашев. “Ёзи билан Зебо” янги вариантида айрим урфодатлар // Ёш адабиётшуносларнинг илмий-назарий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1993;

<sup>2</sup> М. Муродов, А. Эргашев. Оллоҳ паноҳига олган ошиклар // Алломишинома. Сурхондарё талкини. 1-китоб. – Тошкент, 1999. 383–389-бетлар.


<sup>3</sup> А. Эргашев, Д. Халилова. “Ёзи билан Зебо” – ишқ достони. – Карши: Насаф, 2000. 64-б.

<sup>4</sup> Т. Мирзаев “Ёзи билан Зебо” // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2002. – 3-том. 467-б.

<sup>5</sup> Немматулла Ҳоксорий. Газарагим – гавҳарим. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий қутубхонаси нашрнёти, 2008. 97–103-бетлар.

<sup>6</sup> П.П. Норбӯтаев. Қашқадарё воҳаси ўзбеклари этник хусусиятларининг ҳалқ достонларида акс этиши (“Алломишинома” ва “Ёзи билан Зебо” достонлари мисолида): Тарих фанлари номз. диссертацияси. – Тошкент, 2010. 30-б.





муҳаббати ҳакидаги эпик сюжет афсона, ривоят, достон ва терма-қўшиклар тарзida оммалашган бўлиб, мамлакатимизнинг барча вилоятларида, шунингдек, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Афғонистон худудида истиқомат килувчи ўзбеклар орасида машҳур бўлган. Бу асар асосан дехкончилик ва чорвачилик билан боғлиқ турли-туман ишларни бажариш ҷоғида меҳнаткашларнинг ишини енгиллатиш, уларга маънавий-рухий мадад баҳш этиш ҳамда бадиий-эстетик завқ бериш максадида айтилган.

Бу достонда камтарин ва меҳнатсевар Ёзининг гўзал Зебога бўлган муҳаббати ва уларнинг бир-бирига етишиши йўлидаги қизиқарли саргузаштлари тасвирланган. Унда севги ва садоқат, вафодорлик туйгулари, сабр-тоқатли бўлиш, эзгу ният билан ҳалол меҳнат қилиш, баҳтли келажак учун интилиш гоялари билан уйғуналашиб кетган. Шунга кўра, мутахассислар бу эпик асарнинг жанрий мансубиятини ишқий-романик достон деб белгилайдилар. “Ёзи билан Зебо” Раҳматулла Юсуф ўғли, Амин шоир Малик ўғли сингари баҳшилардан ёзib олинганлигининг ўзи илгарилари бу достон кўплаб атокли баҳшилар репертуарида ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Маълумотларга қараганда, қаҳрамонлик эпосини маромига етказиб куилаши билан донг қозонган атокли баҳши Фозил Йўлдош ўғли ҳам “Ёзи билан Зебо”ни ҳамкишлопларига айтиб берган экан. 1975 йилда Намангандеги фольклор экспедициясида бўлган О.Собировнинг “дала ёзувлари”да кайд этилишича, Янгикўргон туманининг Орарик қишлоғида яшовчи Раззок баҳши Қозоқбай ўғли айтиб берган “Нима айтай?” термасида қуидаги мисралар бор:

Ковун экдим Тошбулоқнинг тошига,  
Сайр килдим сарчашманинг бошига,  
Зебожон ўсма кўядир кошига,  
Кел, Зебожон, Ёзи томошасига,  
Зебоман Кал Ёзидан айтайнми?

Маълум бўлишича, Раззок баҳши истиқомат қиласиган қишлоқда ўзига хос ёзичилик анъанаси мавжуд бўлиб, ўн тўрт киши “Ёзи билан Зебо”ни қойилмаком килиб ижро этишар экан. Ана шу эпик анъанадан яхшигина хабардор бўлган Раззок Қозоқбай ўғли ҳам бу достонни ўрганиб, ҳалқ орасида айтиб юриб шухрат қозонганлиги туфайли М.Муродов, О.Холмирзаев томонидан бир неча марта ёзib олинган. Баҳшининг ўғиллари Омон ҳамда Мамасодик ҳам “Ёзи билан Зебо”ни яхши билишган.

1991–1993 йилларда падари бузруквори, таникли эпик куйчи Қодир баҳши Раҳим ўғли айтиган “Ёзи билан Зебо” достонини Абдукаҳкор баҳши ана шу мисралар билан бошлилаган:

Очиб сандикларимни,  
Кўрсатай бир бўстонни,  
Ошиқ Ёзи-Зебодан,  
Айтайнин бир достонни.  
Эшитганман устозим,  
Баҳши Ражаб шоирдан.

Давраларда гап бошлаб  
Улардан ҳам тердим дон.  
Умид шоир гохида,  
Зебодан бошлар эли,  
Яхши жойидан айтиб,  
Ёмонни ташлар эди.<sup>1</sup>

Бу парча “Ёзи билан Зебо” достони Жанубий Ўзбекистон худулида, хусусан, Шеробод достончилик мактаби эпик анъанасида ҳам кенг таркалганлиги, бу асар машхур Шерна баҳшининг шогирди Ражаб шоир ҳамда Умид шоир репертуарида ҳам мавжуд бўлганлиги, бинобарин, Кодир баҳши ҳам уни ўзининг устози – тоғаси Ражаб шоирдан ўргангандигини кўрсатади.

Тарихий-фольклорий жараён ривожи давомида эпик анъанада ўзига хос ўрин тутувчи бу достонни айтувчи алоҳида ижрочи типи шаклланган. “Ёзи билан Зебо” достонининг ҳалқ орасидаги оммалашиш усули ва ижрочилари таркибининг таҳлили шуни кўрсатади, бу достоннинг анъанавий ижрочилари “ёзигўй”, “ёзикаш”, “ёзичи”, “ёзи” деб юритилган. Бу асар ҳамда унинг таркибидаги кўшиклар асосан дехконларнинг муайян дала ишларини бажаришлиари чогида айтилган. Масалан, этнограф оlimа Б.Х. Кармишеванинг кайд килишича, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида галла ўрим-ийгими пайтида маҳсус чакирилган “ёзигўй” томонидан “Ёзи ва Зебо” достонидан парча-кўшиклар ижро этиб турилган бўлиб, қолган ўрокчилар “Э-э-э, олло!” деб жўр бўлип туришган. Фориш туманидаги Синтоп қишлоғи дехконлари эса галла ўраётганда “Ҳай, жон олло”, “Ё олло” каби кўшикларни айтишган.<sup>2</sup> М.С.Андреевнинг 1927 йилда ўтказган этнографик экспедицияси натижасида Хингов водийси тожиклари бугдой ўраётганда “Ман дөг”, “Ё оллох” кўшикларини ижро этганларни аниқланган.<sup>3</sup>

Одатда дехконлар галла ўримини ҳашар йўли билан ўтказишган ва бу ишга чечан “ёзигўй”ларни ҳам таклиф этганлар. Этнограф Б.Х. Кармишева томонидан ўтган асрнинг 50-йилларида ёзib олинган маълумотларга кўра,<sup>4</sup> Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги Тогчиён қишлоғида буғдойзори катта майдонни эгаллаган дехконлар ҳатто бир нечта “ёзигўй”ни айтиб келишган. Улар ўрокчиларга якинрок жойга ўтириб олиб, “Ёзи билан Зебо” достонидан кўшикларни галма-галига ижро этишган. Ўрокчилар уларнинг ижроси давомида ҳар бир мисрадан кейин “Э-э-э, олло!” деб ижрога кўшилишган. “Ёзигўй”лар бир-бирлари билан мусобақалашган каби кўшик айтиб, бири иккинчисини ентишга ҳаракат килгандар. Буни тогчиёнликлар “Бир ёзикаш иккинчисини ёзи билан уриб тайлайди” дейдилар. Тоғчиёнда яшаб

<sup>1</sup> ЗЎФА. Инв. №1539.

<sup>2</sup> Б.Х. Кармишева Об узбекских трудовых крестьянских песнях (материалы) // Сборник статей по истории и филологии народов Средней Азии. Памяти М.С.Андреева. – Худжанд, 1960. 72-76-стр.

<sup>3</sup> М.С. Андреев. Экспедиция в Янгоб 1927 г. (краткий очерк) // Бюллетень Среднеазиатского государственного университета. – Ташкент, 1928. – №17. 166–167-стр.

<sup>4</sup> Б.Х. Кармишева. Кўрсатилган мақола. 72–76-бетлар.

ўтган Эшқўзи ёзикаш ана шундай чечан ижрочилардан бири бўлганилиги учун уни Сариосиёнинг энг олис кишлопарига ҳам ҳашарга айтиб кетишар экан. Ёзигўй ёки ёзикашларнинг буғдой ўримидаги иштирок этиши холати жанубий Тожикистанда истиқомат килувчи лакай, дўрман каби ўзбек уруғлари орасида ҳам кайд этилган.

Ҳаваскор фольклор тўпловчи Невъматулла Ҳоксорийнинг аниклашича, Сариосиё туманининг Газарак қишлоғидан етишиб чиқкан Эшмат шоир жуда уста ёзичи бўлиб, ғалла ўримидаги ёзигўйлик бахсида Ашур бахши деган таникли ёзичини енгигб чикканлиги халк орасида ривоятга айланиб кетган. 1945 йилда 75 ёшида вафот этган Эшмат шоир Ёзи билан Зебонинг айтишуви асосидаги кўшикларни айтиб, ўрокчиларнинг ишига унум бахш этган. У билан айтишувда енгилган ёзичи кўлига ўроқ олиб, буғдой ўримига тушиб кетган.<sup>1</sup>

Сурхондарё вилоятининг Денов туманинаги Илонсой кишлоғида яшовчи ёзикашлар ғалла ўрими пайтида куйидаги кўшикни ижро этишган:

Ёзи айтсан айтайн чин Ёзидак,  
Ҳар кишининг ёри бўлса ўзидак,  
Ҳар кишининг ёри бўлса ўзидак,  
Киш бўйи асраб бокар кўзидак.  
  
Ёргинам ёр экандур, билмадим,  
Сояси гулзор экандур, билмадим,  
Соясида бир майдон ўлтирамадим,  
Шу кунлар даврон экандур, билмадим.<sup>2</sup>

Қашқадарё вилоятининг ғаллакорлик билан шуғулланувчи аҳолиси орасида ҳам “Ёзи билан Зебо” достони жуда машҳур бўлган. Дехқонлар дон сепишдан аввал ер ҳайдаганда, пишиб етилган буғдойни ўриш пайтида, олинган ҳосилни қолларга солиб, аравада ташиётганда ҳам “Ёзи билан Зебо” достонидан парчаларни севиб кўйлаганлар. Шаҳрисабз туманинаги Обмогон кишлоғида ғаллакор-дехқонлар буғдойни шерик бўлиб ўришган. Бунда ўримидаги иштирок этаётган ўрокчиларнинг уч-тўрттаси биргалашиб “ёзи” айтишган, қолганлар эса “Э-э-э, олло!” анъанавий қайтаригини такрорлаб турганлар. Шу кишлоғлик Шойим буванинг Б.Х. Кармишевага айтишича, “Асл ийгит ёзи ҳам айтади, ўроқ ҳам ўради. Агар ёмон айтса, айб деб биламиз”. Шунга ўхшаш “Лақай дехқон ҳам келади, чечан ҳам келади” деган накл лакай-ўзбеклари орасида ҳам кайд килинган.<sup>3</sup>

Сариосиё туманининг Жарулоғ кишлоғида яшовчи 42 яшар Робия Эшонкул куизидан 1976 йилда С.Аскаров ёзигб олган маълумотта кўра, буғдой ўраётган пайтида куйидаги “ёзи” кўшиклари ижро этилган:

<sup>1</sup> Невъматулла Ҳоксорий. Газарагим – гавхарим. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. 97–103-бетлар.

<sup>2</sup> Б.Х. Кармишева. Кўрсатилган мақола. 73-б.

<sup>3</sup> Б.Х. Кармишева. Кўрсатилган мақола. 70–73-б.



Ёзи ёр бағрингда гуллар очилур,  
Сан сайрасанг менинг баҳрим очилур.  
Сайрасанг-сайрамасанг омонда бўл,  
Тўтикуш боласидай кафасда бўл.

Ёзи айтган довушингдан ёр сани,  
Химча баҳмал ковушингдан ёр сани,  
Уч кун тердим Тошбулокнинг тошини,  
Палак экдим йўлгинанинг бошина.  
Ният қилдим аввалам ёр есин деб,  
Кимга керак бўлса олсин лошини.

Буғдой экдим аро чўлда колди-ё,  
Юра-юра икки тиззам толди-ё.  
От бошини буён буринг; Зебижон,  
Ёзи жўранг жазир чўлда колди-ё.

Сани унда, мани мунда яратди,  
Орамизга азим дарё яратди.  
Азим дарё экан, оқди-да кетди,  
Бевафо ёр экан ташлади кетди.

Ёзини яйлоғлари ёзуг бўлур,  
Қиз дегани бадани нозиг бўлур.  
Қиз боланинг баданидан олса товоғ,  
Олти ойлик йўллара озиғ бўлур.<sup>1</sup>

Фольклоршунос Охунжон Собиров 1956 йилда Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз туманидаги Кўччи кишлоп фуқаролар йигинига карашли Юкори Зачканя кишлогоғида сўзга чечан ёзитўй Ўрок Расулов билан сұхбатлашганида, у “Ёзи билан Зебо” достони кўпинча кўш хайдов, ўрок ўриш вактларида, бундан ташқари тўй-маросимларда ҳам айтилар эди”, деган.<sup>2</sup> Чирокчи туманининг Пакандя кишлогоғилик 58 яшар Риза Тўлаев 1961 йил 14 октябрда “Ёзи билан Зебо” достонини айтиб берадётганида “бу достон кўш ҳайдаган вактда ҳам баланд овоз билан айтилар эди”, деб изоҳ берган.<sup>3</sup> Янгиқўргонлик Тувал Ботиров эса “Ёзи кал” эртагини айтиб беришдан аввал “кишилар кўл меҳнати килаётгандарида меҳнат унумли бўлиши ва зерикмаслик учун “Ёзикал” деб аталағидан газалга ўхшаш қўшик айтишган, унинг келиб чиқиши шундай экан”, деб ўз хикоясини бошлигаран.<sup>4</sup> 1977 йилда ёзигарлик қўшикларини айтиб берган Шоҳдор бува: “Хўқизни қўшиб ер хайдаётганда “ёзи” (яъни “Ёзи билан Зебо” достони қўшиклари – М.Ж.) қўшикларидан бошқаси бўлмайди”. Қишлоқдаги Абдулла-

<sup>1</sup> ЗЎФА. Инв. № 7280. 6–7-6.

<sup>2</sup> ЗЎФА. Инв. № 1687/4.

<sup>3</sup> ЗЎФА. Инв. № 1687/2.

<sup>4</sup> ЗЎФА. Инв. № 4868.

кул деган дәхқон трактор устида ҳам шу қүшикни айтиб юраберар эди”, – дейді.<sup>1</sup> Бу эса дәхқончилик ишларини бажариш техника воситалари билан амалға оширила бошлаганда кейин ҳам ер хайдаш чоғида “ёзи” қүшикларини айтиш аńянаси анча пайтгача сакланиб қолғанлығидан далолат беради.

Фольклоршунос Файзулла Аймокнинг маълумот бернишига караганда, Ёзи билан Зебонинг муҳаббати тараннум этилган ошикона тўртликлар ҳанузгача Афғонистонда яшайдиган ўзбеклар хотирасида сакланиб келади. Булар “Савзувон” ёки “Сабзиман” қўшиғи деб ҳам аталади. Улар ҳар доим кўпчилик ийғилиб гилам тўкигандা, сумалак пиширгандা, чарх йигиргандা хотин-кизлар томонидан ўзига хос оҳанг билан айтилади.<sup>2</sup>

“Ёзи билан Зебо” достонининг ижро ўрни Фарғона водийсида ўзига хос бўлиб, кўпинча шоли ўтоги ва ўрими пайтида, умумхалқ ҳашари асносида амалға оширилган йирик қурилишлар, хусусан, Катта Фарғона канали ҳамда Шимолий Фарғона каналини бунёд этиш чоғида ижро этилган. Зомин туманининг Карапчи кишилогида яшаган Ёрлакаб Бекназар ўғлидан ёзib олинган маълумотга қўра, ўтган асрнинг 50–60-йилларида қиши кунлари ўтказилган гап-гаштак ўтиришларида бўза ичаётганда “Ёзи билан Зебо” деган айтишмалар айтилган. Буғдо ўраётганда ва ғарам килганда ҳам ёзигарлик айтиларини ижро этишган.<sup>3</sup>

Ёзичиларнинг ижро усули ҳам достончи баҳшилардан бироз фарқ килган. “Ёзи билан Зебо” достони ёки унинг парчалари дўмбира ёхуд бошка мусика асбоби жўрлигисиз ёқимли, ширадор баланд овоз билан куйланган. Хусусан, кашқадарёлик дехконлар ўримга тушишган пайтда “бир киши отга миниб буғдою ўраётган ўрокчиларнинг олдига тушиб олган ва хеч қандай мусика асбобисиз баланд овоз билан маълум бир оҳангда куйлаган”.<sup>4</sup> Бу достон ижросида ўзига хос оҳанг мавжуд бўлиб, ёзигўй шеърий матнларни бамисоли қўшикдай куйлаганлиги учун унинг мусикий жозибадорлиги тингловчиларни ўзига ром этган. Намангандик ёзичиларнинг ижросини кўп бора кузатишга муваффак бўлган фольклоршунос Т.Фозибоев ҳам “Ёзи билан Зебо”ни куйладиган кишилар баланд овозга эга бўлишлари, уларнинг овози бир кишлоқдан иккинчи кишлоқка етиб борадиган даражада бўлиши, ҳалқ ибораси билан айтганда “жуда кийкириб айтадиган” бўлишлари керак. Бундан ташкири, кучли хотирага ҳам эга бўлишлари зарур. Чунки “Ёзи билан Зебо” бошка ҳалқ достонлари сингари дўмбира ёки бирор мусика асбоби жўрлиги остида айтилмайди”, – деб ёзади.<sup>5</sup>


<sup>1</sup> ЗЎФА. Инв. № 1665/12.

<sup>2</sup> Файзулла Аймок. – Тошкент: Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 52-б.

<sup>3</sup> Фольклоршунос олим М.Афзаловнинг 1959 йилги фольклор экспедицияси кундаги гидан. 4 сентябрь.

<sup>4</sup> О. Собиров. “Ёзи билан Зебо” достони ҳакида // “Ёзи билан Зебо” (достон). Ёзи олуви чи ишлаб нашрга тайёрловчи О. Собиров. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1962. 5-б.

<sup>5</sup> Т. Фозибоев. Кўрсатилган мақола. 104-б.



Маълумки, мусика асбоби ва куй достон куйлашда жуда катта роль ўйнайди, у куйланётган достон рухини, унда олға сурилган гоя ва фикрларни ифодалашда бахшига катта ёрдам бериш билан бирга, куйланётган достоннинг эпизод ва мисраларини изчил равишда хотирага туширишда хам бахшига катта ёрдам беради”.<sup>1</sup> Демак, “Ёзи билан Зебо” достони мусика асбоби жўрлигисиз шириали овоз билан куйланганлиги сабабли ижроидан кучли хотира хамда бадиҳагўйлик иктидорининг эгаси бўлишлик талаб килинган.

Фольклоршуносликда “Ёзи билан Зебо” достонининг яратилган даври ва жўкрофий худудини белгилашда аниқ бир тўхтамга келинганича йўқ. Хусусан, Д.Халилова Қашқадарё вилоятининг Касби туманида Майманок номли кишлок бор бўлиб, унинг якинидаги тоғда Фойиб эрам деб аталадиган гор мавжудлигига асосланиб, “Ёзи билан Зебо” достонининг пайдо бўлишини шу худуд билан боғлайди.<sup>2</sup>

Чиндан хам, “Ёзи билан Зебо” достони ёки унинг парчалари ижро этилган худудларда асар қаҳрамонлари билан боғлиқ топонимлар – жой номлари кўп учрайди. Хусусан, фольклоршунос О.Собиров 1975 йилда Наманган вилоятининг Янгикўргон туманига карашли Қизил Ёзи кишилоги ҳақидаги ривоятни эшитганлигини қайд этади.<sup>3</sup> 1973 йилда Китоб туманида бўлган К.Имомов эса “Ёзи билан Зебо” эртаги билан бир каторда “Ёзи булоқ”, “Ёзи кудук” афсоналарини хам ёзib олган. 1957 йилда жанубий Ўзбекистон бўйлаб фольклор экспедициясида бўлган Музайяна Алавия Сурхондарё вилоятидаги Кофарниҳоннинг кунчикар томонида Тошбулоқ тоги борлигини аниклаган. Маълум бўлишича, Тошбулоқнинг боши Кийикдахана деган токка бориб кўшилади. Тошбулоқнинг ёнидан Вахшдарёси оқиб ўтади. Амударё билан Вахш ўртасида Жетимтов деган жой бор бўлиб, Ёзи ўша ерда тугилган, дейдилар. Ёзи билан Зебонинг воқеалари Тошбулоқда бўлиб ўтади. Айтишларича, Ёзи шу ерда қовун етиштирганида икки севишган кўйидаги кўшикни айтишган экан:

**Ёзи:**

Қовун экдим Тошбулоқнинг дашига,  
Обод килдим кўзгинамнинг ёшига.  
Бориб айтинг Зебодайин кишига,  
Кўчиб келсин палагимнинг бошига.

**Зебо:**

Қовун экибсиз Тошбулоқнинг дашига,  
Обод қібсиз кўзгинангиз ёшига.  
Бориб айтинг Ёзикедай кишига,  
Мол ҳайдасин палагининг лошига.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Т. Фозибоев. Кўрсатилган мақола. 105-б.

<sup>2</sup> Д. Халилова. “Ёзи билан Зебо” достони сюжетининг генезиси // ЎТА. – Тошкент, 2003. – 6-сон. 71–74-бетлар.

<sup>3</sup> О. Собиров. “Ёзи билан Зебо” достони ҳақида //“Ёзи билан Зебо” (достон). Ёзид оловчи ва ишлаб нашрға тайёрловчи О. Собиров. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1978. 5-б.

<sup>4</sup> ЗЎФА.Инв. №1315. М.Алавиянинг 1957 йилги Сурхондарё фольклор экспедицияси кундалиги. 2-дафтар. 9–10-бетлар.



Киссаҳон-бахши Раҳматулла Юсуф ўғли 1960 йил 2 январь куни Ҳоди Зарифовга қуидагича мактуб ёзган: “Ёзи ва Зебо”га янги бир материал топилди. Бу ерликлар, Зебо майдонлик (Нурота тогидаги қадимий қишлоқлардан бири “Майдон” деб аталган – М.Ж.) бўлиб, шу товда Ёзи унинг қўйини бокиб, шу оркали арзу холини Зебога айтиб юрган экан. Аввалги менинг ривоят беришимга ҳам монаанд (Раҳматулла Юсуф ўғли ўз репертуаридаги “Ёзи билан Зебо” достонига ишора қильмоқда – М.Ж.). Бу жой Оқтов шаркида. Оқтовнинг Пачот, яъни Қўшрабод совхозининг марказига якин Оқтепанинг гарб-шимоли Шувона қишлоғининг гарбида, Зарбанднинг шаркида Бокининг тови деган жойда – тогнинг жанубга мойил жойида Чилмаҳрамга якин икки чашма бор. Ёзи ва Зебо исмига. Зебига Ёзикал товга келаётганида дегани:

Зебижон, аста юринг, кун эртади[р],  
Дард мени қўймайди, холим нетади.  
Чикиб эдим Кўхи анвар<sup>1</sup> товидан,  
Зебидай коши каро ёр ўртади.

Ёзи Оқтovга етганидан кейин Зебосининг таърифида шундай деган экан:

Олмадандир тегирмоннинг гупчаги,  
Хосадандир гул Зебининг лачаги.  
Хосадан бўлса Зебининг лачаги,  
Қўлтиғидан кўринади чечаги.

Зебижоннинг не дегандай ўйи бор,  
Шотеракдай бўлиб ўсган бўйи бор.  
Жонни берсам шундайин жононга,  
Хар изида бир чаманинг бўйи бор.

Ёзи ва Зебо Оқтovда мурод-мақсадларига етишгандан кейин шоирлар айтган экан:

Ал омон, ошиқка товдир, ал омон,  
Иккалангизга муборак бул замон.  
Изингиздан товнинг тули битади,  
Кўп замонча кўкарсин-а аргувон!

Халиям ўша айтғон жойларда аргувон дарахти кўкаради”.<sup>2</sup>

Афғонистонлик фольклоршунос Файзулла Аймок томонидан ёзил олинган бир афсонада накл қилинишича, Ёзи Форёб вилоятига қарашли Алмор деган қишлоқда дунёга келган. Ёзи Зебо деган қизга ошиқ бўлиб, унинг хажрига чидай олмай, мажнунона шеърлар тўкийди. Ёзига нисбат бериладиган “Савзувон кўшиклари” кенг тарқалган. Ривоят қилишларича,

<sup>1</sup> Кўхи анвар – Нуротага ўттиз икки чакирим Лангар сиртигининг гарб-жануби томонида Оқтовнинг шимоли бетида бир дарарнинг исмидир.

<sup>2</sup> ЗўФА. Инв. №189/5.

Зебо Форёб вилоятининг Гулжонисайёд кишилогида дунёга келган эмиш. Отасининг исми кипчоқлик мулла Ортиқ бўлган, дейдилар. Бу икки ошикмашук мансуб кабилалар ўртасида можаролар мавжудлиги туфайли Ёзи ва Зебо бир-бирларининг висолига етиша олмай дунёдан ўтади. Ёзи Зебонинг хижронига бардош беролмай, ўзини ўлдиради, унинг жасади Фурий тоги якиндаги Алмор кишилоги қабристонига дафн килинади. Зебо Ёзининг ҳалок бўлганидан хабар топиб, бир қанча дугоналари билан унинг қабрини зиёрат этгани боради. Зиёрат килиб, кишилокка караб равона бўладилар. Шунда Зебо дугоналарига: “Бир пой ковушим қабринг ёнида қолибди”, деб баҳона килиб, ёлгиз ўзи Ёзининг қабри устига кайтиб боради ва битта катта тош билан ўз бошига уради. Шундай килиб, ўзини-ўзи ҳалок этади. Амакисининг ўғли ҳам Зебони севар эди. Бу фожиадан хабар топиб: “Мени Зебо ва Ёзи қабри ўртасига кўминглар”, деб васият қилиб, у ҳам ўзини ўлдиради. Унинг васиятини амалга оширадилар! <sup>1</sup>

Бизнинг назаримизда, достон қаҳрамонлари ёки асарда тасвирланган эпик макон атамалари номининг муайян жўгрофий ҳудудда кайд этилишига асосланиб эпик сюжет генезиси ва достоннинг шаклланиш ўрни ҳакида узил-кесил ҳулоса чиқариш кийин. Чунки бундай номлар ўша ҳудудда достон кенг оммалашиши натижасида кейинчалик кўйилган бўлиши ҳам мумкин. Мамлакатимизнинг деҳқончилик ва чорвачилик ривожланган ҳудудларида “Ёзи билан Зебо” достони қаҳрамонлари ёки уларнинг саргузаштлари кечган макон атамалари, айнакса, икки севишган қалб соҳиблари фойиб бўлган мўъжизавий гор, мозор, зиёратгоҳ, чашма ёки дара номи билан алокадор топонимик ривоят ва афсоналар учрашининг сабаби мазкур достоннинг ҳалк орасида кенг тарқалганилиги билан изоҳланади.

Достонда тасвирланган воқеа-ходисалар кўчманчи ва ярим кўчманчи, яъни баҳор келиши билан сурувини тоғ яйловларига ҳайдаб кетиб, булок ва сой сувига яқин жойларда мавсумий деҳқончилик билан шугулланган ахолининг турмуш тарзига мос келади. Ўзбек ҳалк меҳнат кўшикларини ўргангандан К.Очилов ҳам ҳалқ ўртасида “Ёзи”, “Ёзи кал”, “Кал Ёзи” каби номлар билан юритиладиган “Ёзи билан Зебо” достони ёки унинг парчалари кўш ҳайдаш ва буғдой ўрими пайтида ижро этилган бўлса-да, бу достон ғаллакорлик билан боғлик “меҳнат кўшикларидан анча кейин яратилган ва мустакил ҳолда куйланиб келинган. Ундан айрим парчалар (ёзилар) эса кейинчалик ёзигўйлар томонидан турли меҳнат жараёнларида ижро этилган”,<sup>2</sup> – деб хисоблайди. Достондаги шеърий парчалар асосан кўчманчи чорвадорлик ва ярим ўтрок деҳқончилик билан машғул бўлган аҳоли фольклорида кенг оммалашган ўлан жанрининг шеърий тузилишига хос жиҳатларга эгалиги, яъни 11 бўғинли мисралардан иборат тўртлик банд тузилишига асосланишига кўра, “Ёзи билан

<sup>1</sup> Файзулла Аймок. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 52–53-бетлар.



Зебо" достони даставвал чорвачилик ва деҳкончилик хўжалигини юритиши чоғидаги ижро этилган анъанавий ҳалқ қўшиклари тарзида юзага келганинги кўрсатади. Бора-бора бундай қўшиклар бир-бирига кўнгил қўйган Ёзи билан Зебо образлари билан боғлиқ ҳолда воқебандлик касб этиши достоннинг ilk сюжет асослари шаклланишига замин яратган.

Шу тариқа, ўзбек ҳалқ романник эпосининг интенсив яратилиш босқичи деб караладиган XVIII–XIX асрларда кечган тарихий-фольклорий жараён давомида "Ёзи билан Зебо" достони тугал эпик сюжетта эга асар сифатида шаклланган.

\* \* \*

"Ёзи ва Зебо" достони биринчи марта 1925 йилда Рафик Мўмин томонидан ёзил олинган бўлиб, кейинчалик унинг бир нечта тўла вариантлари ҳамда парча ҳолидаги намуналари ёзувга олинган. ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архивида мазкур достоннинг Олимжон Сойиббоев, Ўроқ Расулов, Амин шоир Малик ўғли, Боки Пирназар ўғли, Мехмон Ҳошимов, Раззок бахши Қозоқбой ўғли, Қодир бахши Раҳим ўғли ва Абдукаххор бахши Қодир ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Омон бахши Раззоков сингари ижрочилардан ёзил олинган тўлиқ вариантлари, шунингдек, Тил ва адабиёт институтининг фольклор экспедициясида Сайдмурод Расулов, Ахрор Туробов, Курбон Ҳушвакт ўғли (1957 йил), Ҳожикул Ҳудойбердиев (1959 йил), Тўти момо (1961 йил) каби ижрочилардан ёзил олинган парча тарзидаги намуналари сакланади. Бундан ташкири, мазкур фольклор архивида ушбу достоннинг мамлакатимизнинг турли вилоятларида истиқомат қилувчи ижрочилардан "Ёзи кал", "Кал Ёзи", "Зебижон", "Ёзи-Зебо", "Ёзи билан Ойпоша", "Зебихон", "Зевак", "Зебиной", "Ёзи ва Зебо", "Ёзигўйлик" каби номлар билан ёзил олинган қўшиклар ҳамда ушбу эпик сюжет асосида яратилган афсона ва эртаклар мавжуд. Ёзи билан Зебонинг муҳаббати ҳакида хикоя қилувчи бундай фольклор асарлари Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, М.Алавия, З.Хусаинова, О.Собиров, Т.Ғозибоев, С.Иброҳимов, Т.Мирзаев, М.Муродов, К.Очилов каби фольклоршунослар ҳамда О.Холмирзаев, Т.Адашбоев сингари хаваскор тўпловчилар томонидан ёзил олинган.

Фаргона водийси вилоятлари, шунингдек, Қирғизистоннинг Ўзган, Аравон, Олабуқа, Ўш каби худудларида яшовчи аҳоли орасида машхур бўлган "Ёзи билан Зебо" достони ёки унинг таркибидағи айрим парчаларини ижро этувчи кишилар "ёзичи" деб юритилган. Фольклоршунос олим Т.Ғозибоев томонидан ўтган асрнинг 50–60-йилларида ўтказилган экспедицион изланишлар натижасида аниқланишича, "Ёзи билан Зебо" достонини ижро этиш анъанаси Наманган вилоятининг Янгиқўргон туманидаги Хўжашўркент, Бекобод, Ёркўргон, Файзибод ҳамда Ўнҳаят, Наманган туманининг Хонобод ва Тошбулоқ қишлокларида, айникиса, кенг оммалашган. Ўтмишда тошбулоқлик Нурмат ёзи (ўтган асрнинг 20-йилларида вафот этган), унинг ўғли Эрмат ёзи, Жўрабой ёзи, Абдухалил сўфи, Ҳожимамат ёзи Пирматов, Йўлдош ёзи сингари "Ёзи билан Зебо"ни жуда кийкиртириб айтадиган" ёзичиларнинг довруғи

водийнинг олис-олис худудларига ҳам маълум бўлган. Янгиқўргон туманидаги Бирлашган қишлоқ фукаролар йигинига карашли Бескобод қишлоғининг ўзидан “Ёзи билан Зебо” достонини маромига етказиб ижро этадиган Ҳожиакбар Кўчимов, нафакат ёзичи, балки “байтнинг (эртакнинг) ҳам уяси” сифатида ҳам донг тараттган Карим оқсокол, бадиҳагўйликда ном чиқарган Мамалатиф шоир каби бир неча авлод ёзичилар етишиб чиккан. Ёркўргонда эса Ортиқ ҳофиз, Эргаш Узок ўғли, Турдибой карол, Отапольвон Бўтабой ўғли, Норматкўр, Ҳайдар ҳофиз, Олим ёзичи, Маматали ёзичи, Турғун мерган Узок ўғли, уста Тусмамат Болта ўғли каби моҳир ёзичилар истиқомат килишган. Бу ижрочиларнинг аксарияти XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг 20-йилларида Фарғона водийсида ном қозонган Маманазар ёзичининг бадиий анъяналари таъсирида етишиб чикканлар. Ёркўргон қишлоғида туғилиб-ўслан Маманазар ёзичи “Ёзи билан Зебо” достонини ўз устози Сайдали ёзичидан ўрганган. Ёркўргонлик кексаларнинг эслашларича, Маманазар ёзичи кизикчи ва кўшчи дехкон бўлиб, Сирдарё лабида кўргон килиб, ўша ерда яшаган. Унинг ўғли Тўхтабой ҳам кизикчилик килган, “Ёзи билан Зебо” достонини ҳам айтган. Ўзининг ширадор овози билан муҳлислар орасида катта шуҳрат топган ва кўплаб ёзичиларни, жумладан, Олим карға номи билан танилган Олимбай Сойиббоевга ҳам устозлиқ килган Махмудбой Исабой ўғли ҳам Маманазар ёзичининг шогирди бўлган. Тахминларга кўра, Маманазар ёзичи 1922-1923 йилларда вафот этган.<sup>1</sup>

Ўтган асрнинг 20-йилларидан эътиборан “Ёзи билан Зебо” достонининг Фарғона водийсида оммалашган вариантларини ёзib олиш ишлари бошланган. ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида “Ёзи билан Зебо” достонининг Фарғона водийсидан ёзib олинган бир нечта тўла вариантлари, эртак шаклидаги талкинлари ҳамда муайян парчалар ҳолидаги намуналари сакланади. Достоннинг энг мукаммал ва бадиий жихатдан яхши намуналаридан бири 1922–1924 йилларда Давлат илмий кенгаши Ўзбек билим ҳайъатининг, 1925–1926 йилларда Ўзбекистон Маориф комиссарлиги Илмий шўросининг Ўзбекларни ўрганиш комитетининг Фарғона водийси бўйлаб ўтказган экспедицияларида иштирок этган Рафиқ Мўмин томонидан Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги Пойтуғ қишлоғида яшовчи Ёрмат бобо оғзидан “Зевак” номи билан ёзib олинган.<sup>2</sup> Достонни ёзib олиш ишлари 1922 йилда бошланган ва номаълум сабабларга кўра, бу иш анча пайт тўхтаб колган ва 1925 йил 24 декабрь куни ниҳоясига етказилган.

Бундан ташқари, мазкур достоннинг нисбатан тутал вариантлари 1957, 1959 йилларда Олимбай Сойиббоевдан,<sup>3</sup> 1965, 1975 йилларда Раззок баҳши

<sup>1</sup> Т. Фозибов. “Ёзи билан Зебо” достонининг Наманган вариантлари // Наманган давлат педагогика институтининг илмий асарлар тўплами. – Наманган, 1964. 102–104-бетлар.

<sup>2</sup> ЗЎФА. Инв.№.725. Ёзib олувчи: Рафиқ Мўмин, 113-б.

<sup>3</sup> ЗЎФА. Инв.№.1688/1. Ёзib олувчи: Т.Адашбоев, 58-б; Инв.№.1512. Ёзib олувчи: М.Муродов, 30-б.



Козобой ўглидан,<sup>1</sup> 1976, 2016 йилларда Омон бахши Рассоковдан<sup>2</sup> ёзib олинган. Фольклоршунос олим Т.Ғозибоевнинг шахсий архивида “Ёзи билан Зебо” достонининг 1961 йилнинг марта Бирлашган кишлек фукаролар кенгашининг Бекобод кишлогилик Ҳожиакбар ёзичи Кўчимов, 1961 йил апрелда Хўжашуркент кишлогилик Олимбай Сойиббоев, 1962 йил апрелда Ўнҳаят кишлек фукаролар кенгашининг Файзибод кишлогида яшовчи Абдулла кори Ҳудоёров, Ёрқўргон кишлогилик Икромжон Ёкуббоев ҳамда Адаш полвон, Ёрқўргондаги 80-мактаб коровули Ҳолмирза ака Ҳудойберганов, 1963 йилнинг майида Ўнҳаятлик Шерзода (Дехконбой Баҳромов), 1962–63 йилларда Наманган туманинаги Ҳонобод кишлогилик Отавали Усмонов, 1963 йилнинг июляси Катта Тошбулоқ кишлогида истиқомат килувчи Маманазар Исроиловдан ёзib олинган намуналари мавжуд бўлган.<sup>3</sup> Аммо достонинги бу вариантилари ҳозирги кунда қаерда сакланishi ҳакида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз.


“Ёзи билан Зебо” достонининг ёзиги олинган намуналари орасида избосканлик Ёрмат бобо, хўжашуркентлик Олимбай Сойиббоев, шахрисабзлик Ўрок Расулов, нуроталик Раҳматулла Юсуф ўғли, дехконободлик Қодир ва Абдукахҳор Раҳимов вариантлари ўзининг бадиий жиҳатдан пишиклиги билан алоҳида ажralиб туради. Бу вариантларнинг ҳар бирининг ўзига хос ёзиги олиниши тарихи ҳам бор.

Бир куни институт Фольклор архивида сакланяётган “Ходи Зариф фонди” материалларини кўздан кечираётганимизда фольклоршунос олимларга келган мактублар солиб қўйилган бир папкага кўзимиз тушди. Папкани очиб, унинг ичидаги жамланган хатлар билан бирма-бир танишаётти, 1957 йилда Ўш вилоятининг Олабуқа туманидан келган мактуб эътиборимизни тортиди. Очиб ўқидик. Унда қўйидагилар битилган экан: “Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фольклор бўлимига хат. Биз қанчадан бери орзу килиб юрган нарсамизни бугун сизга ёзмоқдамиз. Албатта, камчилиги бўлса кечиринглар. Биз ҳалқ бахшилари томонидан яратилган достонларни 2–3-инчи нашрларини ҳам ўқидик. Лекин бизни кизиқтираётган нарса “Зеби ва Ёзи” достони. Нима учун шу достон ҳозирга қадар бирор марта нашр этилмади? Ёки шу достон фольклорда маълум эмасми? Агар фольклорда маълум бўлсаю, ҳозиргача аниқ факт бўлмаса, бизни колхозда биладиганлар бор. Шулар оғиздан ёзиги юбормоқчимиз. Қирғизистон республикаси, Жалолобод вилояти, Олабуқа тумани, Оққўргон кишлек фукаролар йигинидаги “Қизил” номли 3-сонли ўрта мактаб бош пионервожатийси С.Хатамов ва VI синф ўкувчи Т.Адашбоев. 1957 йил 8 январь” [ЗЎФА. Ҳоди Зариф фонди. Инв.№23. “Фольклор бўлимига келган хатлар”]. Ушбу мактубнинг остига қалам билан рус тилида “Запрос разъяснений по поводу изданных книг” кайдномаси ҳамда “Жавоб ёзилди. 27 февраль, 1957 йил” деган ёзув мавжуд.

<sup>1</sup> ЗЎФА. Инв. №1601. Ёзиги олувчи: М.Муродов, 48-б; Инв.№1898/1. Ёзиги олувчи: О.Холмирзаев. 35-б.

<sup>2</sup> ЗЎФА. Инв.№1915/2-2. Ёзиги олувчи: О.Холмирзаев. 35-б;

<sup>3</sup> Т.Ғозибоев Кўрсатилган мақола. 101-б.



Болалар шоири Т.Адашбоев ўз хотираларидан бирида “Ёзи билан Зебо” достонининг ёзиб олиниши тарихи ҳакида куйидагиларни хикоя килади: “Олтинчи синфда ўқиб юрган кезларим “Кизил Ўзбекистон” (хозирги “Ўзбекистон овози”) газетасида машхур олим Ҳоди Зарифнинг бир хати чикди. Ҳатда газетхонларга ҳалқ ичидаги достонларни ёзиб олишга ёрдам сўраб мурожаат этилганди. Мактабимиз директори газетани олиб келиб, кишлоқдаги тўйларда достон айтиб юрадиган Олим карға деган кишини топиб, достонини ёзиб жўнатгун, дедилар менга. Мен бу ҳақда Ҳоди Зарифга хат ёздим. Ҳоди акадан: “Ука, достоннинг ҳеч каерига кўшмасдан, оғзидан кандай чикса шундайлигича ёзиб жўнатишингизни илтимос киласман”, деган жавоб келди. Бу “Ёзи билан Зебо” достони эди. Хуллас, мен Олим карғани изладим, у киши кўшни кишлоқда пахса ураётган экан. Олим акани иш устида топдим, танишдим, мақсадимни айтдим. “Бўлди, менга бир ҳафта қофоз коралашасан, сенга достон айтиб ўтирам, тириклигим қолиб кетади. Кечкурунлари ёзамиз”, деди. Келишдик. Бир ҳафта деганда достонни коралаб олдим ва Ҳоди Зариф домлага жўнатдим... Мана шу ўқувчилик йилларидаги кизиқишиларим мени катта адабиётта етаклаган бўлса, ажабмас”!<sup>1</sup>

Бизнинг тахминимизча, ўрга мактабда ёшлар етакчиси вазифасида ишлаган С.Хатамов ҳамда ўша пайтда VI синф ўқувчиси бўлган, бугунги кунда эса мамлакатимизнинг таниқли болалар шоири Турсунбой Адашбоев томонидан куюнчаклик билан ёзилган ушбу мактуб институтнинг Фольклор бўлими томонидан ўрганиб чиқилган ҳамда унга Ҳоди Зариф жавоб ёзган. Кейинчалик Олимжон Сойиббоев вариантининг ёзиб олиниши билан боғлик ишларга бошкош бўлиш фольклоршунос олим Охунжон Собировга топширилган бўлса керак. Чунки О.Собиров ўзининг 50–60-йиллардаги фольклор экспедициялари давомида “Ёзи билан Зебо” достонининг бир неча вариантлари ҳамда ёзигарлик кўшикларининг кўплаб намуналарини ёзиб олган. Шунинг учун ҳам О.Собиров ўзининг ёзган жавоб ҳатида маънавий кадриятларимизга ихлоси баланд бўлган ўқувчи Т.Адашбоевга ўз кишлоғида яшовчи ёзигўйларнинг репертуаридағи “Ёзи билан Зебо” достонини ёзиб олиб, Фольклор архивига юборишини сўраган бўлса керак. Шу тарика, Т.Адашбоевнинг куюнчаклиги ва фидойилиги туфайли “Ёзи билан Зебо” достонининг Олимбай Сойиббоев варианти ҳалқимизнинг бебаҳо номоддий маданий мероси дурданалари хазинасидан ўрин олди.

Бинобарин, мазкур достон кўлёзмасининг охиридаги “Хурматли Охунжон ака! Бу достонни айтган киши яқинда вафот этди. Шунинг учун манзилини ёзолмадим (исми Олим ака Сойиббоев). Айрим грамматик ҳатоларини кечирасиз. Чунки бу 1957 йили ёзиб олинган. Хурмат билан Турсунбой Адашбоев” деган қайдномага қараганда, Т.Адашбоев Фольклор бўлимидан жавоб ҳатини олиши биланок мазкур асарни ёзиб олган. Аммо нима сабабдандир уни ўз вактида юборолмай, орадан бир неча йиллар ўтгач, яъни ўш шоир Турсунбоев Адашбоев Ўш шаҳар газетасида ишлаётган пайтида фольклоршунос олим Охунжон Собировга жўнатган.



Пойтуғлик Ёрмат бобо айтиб берган “Зевак” достони эса 120 вараклийдай уйларда умумий дафтартын араб алифбосыга ассоланган эски ўзбек ёзувида сиёҳда ёзилган. Мазкур кўллэzmанинг хажми 92 сахифадан иборат бўлиб, дафтари ниң 93–97-варакларига ушбу достонда учрайдиган 159 та сўзниң маъноси изохланган қисқача лугат илова қилинган. Шунингдек, бу кўллэzmанинг охирида Рафик Мўмин қаламига мансуб “Эл достонлари ва ўзбеклар” (98–112-бетлар), “Эл достонларини иғишиши ўйлида” (113–117-бетлар) номли мақолалар ҳам мавжуд.

Кўллэzmанинг илк сахифасида “Эл достони Зевак” деган ёзуводан кейин куйидаги кайднома мавжуд: “Фаргона кишлоказларида хотин-кизларнинг энг суюкли хикояларидан. Марказий илмий шўронинг кенгашига таяниб, ҳалқ орасидан топиб, ҳалқнинг ўзи билан ўтириб ёзиб чиқдим. Бошланиши – 1922 йил бўлиб, 1925 йил декабрида тамом бўлди. Наманган”<sup>1</sup>.

Кўллэzmанинг “Зевак” достонидаги баъзи бир лугат ва атамалар номли кисменинг аввалида ушбу достон номини билдирувчи “Зевак” сўзи “Зебожон” деб изохланган. Бу эса ушбу достон ҳалқ орасида “Зевак” номи билан ҳам кенг шухрат қозонганилигидан далолат беради.

Достонда тасвирланишича, Ёзи тилла кокил билан туғилади. Энаси “буни ҳалқ билмасин”, деб бир кўзининг корнини Ёзининг бошига ёпиб кўйиб, “Мен кал туғдим”, – деб гап таркади. Мулла Ортикнинг кизи Зебо эса етти парда билан туғилади. Эпик қаҳрамонларнинг ғайроиддий туғилиши мотивининг бундай ўзига хос талкини оркали ҳалкимиз ўзининг ботиний ва зохирий гўзаллик ҳақидаги тасаввур-тушунчаларини ифода этган. Табиатан хоксор, камтар ва камсуқум бўлган қаҳрамон ҳамиша бошига жумур кийиб, жулдурвоки кийимда юргани учун эл орасида “кал Ёзи” номини олган бўлсада, унинг жисман гўзалиги ва ички дунёсининг беназирлигини тингловчи қалбан хис этиб туради. Зебо ўзининг буғдоизоридан машок териб юрган бошоқчиларни у ёк-бу ёкка сурниб, зиркиллатиб кувганида кўркиб кочган Ёзи бир кесакка кокилиб, чалқаймон йикиласди. Ана шунда унинг бошидаги кўзи корни – жумур бир ёкка сурниб кетиб, тилла кокиллари ялт этиб кўринди. Бунга кўзи тушган Зебо Ёзининг гўзалигига, бениҳоя таърифсиз чиройига дош беролмай хушидан кетади ва отидан йикилиб тушади.

Ёзининг “кал”лиги, яъни ўзининг зохирий гўзалигини жумур остига яшириши достонда тасвирланган воқеалар драматизмнинг изчил равишда кучайиб боришини таъминловчи поэтик восита вазифасини ҳам ўтаган. Етимлиги, каллиги ва қаллочлигини рўйчилик қилган мулла Ортик кизини унга беришдан катъиян бош тортади. Ёзидан кутулиш учун унга бажарилиши мушкул бўлган топшириклар беради. Аммо ўзининг ғайритабиий ҳомийлари кўмагида Ёзи бу вазифаларни муваффакиятли уddyалайди. Айтиш жоизки, эпик кўмакчи образи “Зевак” достонидаги ўзига хос тарзда талкин қилинган. Ёзи ўзининг терган бошогини энаси билан овчлашиб янишса, бир ярим чакса буғдои намозгар палласи Боки тегирмончининг

тегирмонига олиб борса, у кун кеч бўлгани боис, бугдойни тортиб бермасдан уйига кетади. Шунда бир ерда етти пир билан сухбат куриб ўтирган хазрати Хизр авлиёларга караб: “Боки тегирмончининг тегирмонида Ёзи бор. Бир ярим чакса бугдойни тегирмон килдириб ўтирибди. Бориб бир син солингларчи, мардон худойлик кўчасига юрадими, ё хумсалик кўчасига юрадими?” – дейди. Етти қаландар Боки тегирмончининг тегирмонига “дўст” тортиб боришиса, Ёзи тегирмондан чикиб, халиги бир ярим чакса бугдойидан етти қаландарнинг этагига етти ховучдан солиб беради. Ёзининг сахилиги ва бағрикенглигини билган Хизр халиги бугдойни қайтариб олиб келиб, тегирмоннинг дўлига солади ва эрталабгача тегирмонни гулдириб ишлатсаям дон тугамайди. Тонг оттак етиб келган Боки тегирмончи бу холни кўриб ҳанг манг бўлиб колади. Хизр эса тегирмон шоввасининг тагидан канттар бўлиб учиб чикиб кетди.

Зебонинг ишқида девона бўлган Ёзидан қутулиш чорасини излаган мулла Ортиқ одамларнинг маслаҳати билан “туға-туға тўғотдан колган битта ортик кари туя”га икки коп бугдойни ортиб Ёзини Балх шаҳрига жўнатади. Гўё шундай кисла, йўл-йўлакай тия ўлиб, Ёзи чўл жонзотларига ем бўлади, деб ўйлади. Ёзи тияни еталаб юра-юра кипт-кизил кумлок чўлга етиб келади. Бу ерда на сув, на тияга янтоқ топилмайди. Шунда эпик ҳомий Хизр ёрдамга келади. У адирга караб бир имо килганида ердан белбоғ бўйи янтоқ кўкаради. Ёзи янтоқни кўриб, юкини тушириб, тияни янтоққа ҳайдаб юборади ва бошини бир тошга кўйиб, ухлаб қолади. Хизр бобо эса тупрокдан кўштегирмон, бугдойпоядан нов килиб, кўз ёшидан сув килиб, икки тегирмонга икки коп бугдойни солиб, ҳаш-паш дегунча ун килиб, қопларни тўлдириб кўяди. Кейин Ёзини уйготиб: “Бу дунё-у дунё сафаринг бехатар бўлсин, ёнғон чирогинг ўчмасин!” – деб дуо килади ва картайган тиянинг сағрисига беш панжасини кўйганида кора тия оппок бўз тияга айланади.

Достоннинг бошқа варианларидан фарқли ўларок, “Зевак”да тасвириланишича, эски кетмон билан булок бўйида дехкончилик килишга шайланган Ёзининг ҳузурида пайдо бўлган Хизр ўзининг етти ҳамрохи билан ерни текислаб, экиб берадилар. Абдуллахон Ёзининг кўлини боғлатиб дорга остирмокчи бўлганида, дор тагида чорзани куриб ўтирган Ёзини жаллодлар жойидан кўзгата олмасликлари ҳам мифик ҳомийлар мадади билан изоҳланади. Етти пир билан хазрати Хизр беш панжаларининг орқасидан Зебожоннинг руҳини Ёзига кўрсатадилар. Етти йилдан бўён ёрининг дийдорини кўролмай, хижрон доги қалбини ўтраб юрган Ёзи булбул орқали Зебога хабар юборади. Булбул образи муҳаббат тимсоли бўлиб, достоннинг бошқа варианларида ҳам учрайди. Қодир ва Абдукаххор баҳши куйлаган “Ёзи билан Зебо” достонида у диморф кўринишда, яъни күшкиз сифатида тасвиirlанган асотирий образдир.

“Ёзи билан Зебо” достонининг Фарғона водийсида оммалашган варианларида мазкур ҳудуд билан боғлик урф-одат ва анъаналар ўз ифодасини топғанлиги кўзга ташланади. Ҳусусан, Олимжон Сойиббоев вариантида Ёзи билан Зебо биргалашиб Шоҳимардан зиёратгоҳига келганларида дарвозада катта кулф осиғлиқ турганини кўрадилар. Шунда Ёзи:

Шохимардон, овозангдан ўргилай,  
Кулфи кучли дарвозангдан ўргилай.  
Умид билан келибмиз останангга,  
Ноумид кўйма, бошингдан ўргилай, –

деганда, дарвоза “шарак” этиб очилиб кетди. Ёзи билан Зебо ичкарига кириб, худойини ўтказадилар.

Рафик Мўмин ёзиб олган “Зевак” достонида қаҳрамоннинг Шохимардонга зиёратга бориши мотиви ана шу типдаги ўзига хос сюжет элементларидан биридир. Хизрнинг “пирингни таниб ол” деган гапидан кейин Шохимардонга боради ва хонақода одам кўплигини кўриб, улардан қайси бири пир эканлигини билолмай:

Одам кўпдир, одамийси қайсиdir,  
Дараҳт кўпдир, мевалиси қайсиdir?  
Бир саволим бор, сўрайин, азизлар,  
Якка эмас, чор кўланкам қайсиdir? –

дейди. Шунда бошидан чиққан алнга бир қарич бўлиб лопиллаб ёниб турган йигитта кўзи тушган ҳазрати Шохимардон пирим Ёзига қараб:

Дам бу дамки, дам бу дамки, дам деманг,  
Чўпни кўрсанг ҳам ўзидан кам деманг.  
Дунёда кўпдир одамнинг сурати,  
Хар суратни кўрибон одам деманг, –

дейди. Шунда Ёзи ўзини танитиб, ҳазрати Шохимардон пирига бир сўз айтиб турибди:

Асл отим сўрасанг ҳақ Ёзидур,  
Ёр учун бу хаста кўнглим тўзадур.  
Ёшлигимда Ҳақ ўзи берди улуш,  
То ўлгунча дори ёрнинг сўзидур.

Шунда ҳазрати Шохимардон пир Ёзининг елкасига беш панжа уриб, уни дуо қиласди ва ёрини топиш йўлини кўрсатади. Шохимардон пир (ёки унинг қаландар, оплок соколли чол кўринишидаги образлари) эпик қаҳрамоннинг елкасига панжа уриши мотиви ўзбек халқ достонларининг анъанавий сюжет элементларидан бири бўлиб, муайян персонажнинг мифологик ҳомий томонидан танланганлигини англатади.

“Ёзи билан Зебо” достонининг бошқа асарлардан энг муҳим фарки унинг фоятда кўп вариантилиги ва Хоразм вилояти билан Қорақалпогистонни ҳисобга олмаганди, ўзбеклар истиқомат қиласидаги барча худудларда кенг тарқалганлиги билан характерланади. Мазкур достоннинг ҳозирга қадар ёзиб олинган тўла вариантлари, шунингдек, эртак тарзидағи намуналари ҳамда нисбатан мукаммал шеърий парчаларини тадқик этиш асносида вариантиларнинг ўзига хослиги ва ёзигўйларнинг анъанавий эпик сюжетни

бадиий талқин килишдаги поэтик махоратини очиб бериш мақсадида асар композицион курилишининг хотима қисми талқинларини киёсий тахлил килдик. Ана шунда хар бир варианнтдаги ўзига хослик яккол кўзга ташланди.

Достоннинг Рафиқ Мўмин томонидан “Зевак” номи билан ёзиб олинган намунасида тасвирланишича, ҳазрати Хизр Ёзи билан Зебонинг олдига келиб: “Болаларим, дунё тургунча сизнинг ошиклигинги халқ ичиде достон бўлсин. Боринглар, роҳат-фарогатда яшантлар!” – деб беш панжасининг орасидан боғу бўстонли бир зўр равоқни кўрсатади. Шунда икки севишган қалб сохиблари бир бўлиб, Ёзи ёбони бўйлаб кетадилар.

Ўрўк Расулов вариантида Пояндабой килаётган тўйнинг устидан келиб қолган Ёзи отта миниб, эркак либосини кийиб, кўпкари чопаётган чавандозлар орасида юрган Зебони кўргач, бир амаллаб ёрини куткариб колиши мақсадида устига тулки терисини ёпиниб, жонивор кўринишига киради-да, кўпкари бўлаётган майдон якинида кўриниши беради. Одамлар: “Ана, тулки, ана бўри келди!” – деб уни қувадилар. Ёзи кочиб жарликка ўзини ташлаб қочади. Унинг кетидан борган Зебо ҳам Ёзи билан топишиб, биргаликда кочадилар ва бир горга кириб кетадилар. Уларни ҳеч ким тополмайди. Ёзи билан Зебо горда бирга-бирга яшаб ўтдилар.

Олимжон Сойиббоев вариантида тасвирланишича, Ёзи Тошбулоқда ухлаб ётиб, тушида Пояндабой ўз кизи Зебони бошқа бирорга бераётганини кўриб, чўчиб ўйғонади ва тезлик билан йўлга чикиб, тўйнинг усига келиб қолади. Шунда тулки терисини кийиб якинрок боради ва эркак либосини кийган Зебони чеккага имлаб чакиради. Ҳамма улок билан овора бўлган бир пайтда Зебо тулкини кувлаган киши бўлиб, от чоптириб Ёзининг ортидан кетади. Ёзи Зебодан олдинрок бир горга кириб кетади. Зебо ҳам унинг кетидан корамакора бориб, горга киради, шу пайт горнинг оғзи беркилиб қолади. Раҳматулла Юсуф ўғли вариантида ҳам Бухорога кетаётган карvonдан халос бўлган Ёзи билан Зебо Оқтовдаги бир зовни ўзларига макон килиб яшаб қоладилар. Отабола Қодир ва Абдукаҳҳор баҳши Раҳимовлар вариантида ҳам Ёзи билан Зебо Хўжамармар тогининг горига кириб гойиб бўлишади.

Эпик қаҳрамоннинг тулки терисини ёпиниб жонивор киёфасига кириши эврилиш мотивининг ўзига хос бадиий талкини бўлиб, унинг тарихий асослари тотемистик тасаввурларга бориб такалади. Назаримизда, достоннинг нисбатан қадимий варианtlарида қаҳрамоннинг мифологик кучлар ёрдамида ўз кўринишини ўзгартириб, жонивор шаклига эниши мотиви мавжуд бўлган. Давлар ўтиши билан қадимги тасаввурларнинг унтуила бориши натижасида бевосита ёки тўла эврилиш ўрнига билвосита, яъни муайян жонзор терисини ёпиниш орқали тусини ўзгартириш мотиви келиб чиқкан.

Достоннинг Раззоқ Қозокбой ўғли вариантида мулла Ортиқ тўйга розилик бермаслигига кўзи етган икки ошиқ кечаси кўргондан қочиб кетадилар ва тун яримдан ўтганда Фойиб эран мозорига етиб борадилар. Уларнинг қочганини сезиб қолган кирк йигит ошиқ-маъшуқнинг ортидан қувадилар. Улар етай-етай деб қолганида Ёзи билан Зебо ўзларини Фойиб эран дарвозасига урадилар. Фойиб эран дарвозаси ўз-ўзидан очилиб, икки ошиқ ичкарига кириб кетишади.



Кирк йигит етиб келганида эса бу дарвоза ўрнида катта төг пайдо бўлганини кўрадилар.

Ўрта Осиё худудида Гойиб ота, Гойиб бобо, Гойиб эран каби муқаддас жойлар ва мозорлар кўп бўлиб, бу атаманинг келиб чикиши халқимизнинг ажоддолар культига сигиниш билан алоқадор мифологик карашларига боғланади. Гойиб эран ёки Гойиб ота деб аталадиган мозорларнинг пайдо бўлиши хакидаги афсоналарнинг аксариятида ўша жойга келган кишининг сирли равища гойиб бўлиб қолиши мотиви мавжудлиги ҳам ёзи билан Зебонинг тақдири билан боғлик юқоридаги талқинни ёдга туширади. Хусусан, Навоий туманинг Ҳазора кишлогида яшовчи Маҳбуба Нарзиеванинг айтишича, шу кишлодаги Гойиб ота номли қабристон номининг келиб чикишига ушбу воқеа сабаб бўлган экан: қачонлардир бир киши ўша ердаги қамишзорга кирганича гойиб бўлган ва у ўша ердан қайтиб чиқмаган. Қамишзорнинг ичини ахтариб ҳам уни тополмайдилар. Шунда одамлар ҳалиги киши гойиб бўлган жойга тут кўтариб, қабристонга айлантиришиби.

Ўзбек мифологиясида кўзга кўринмас ҳомий куч тимсоли сифатида тасавур килинадиган “гойиб эран”, “мардони гойиб”, “эрланлар” хакидаги ҳалқ карашлари замирда чилтган тўғрисидаги инончлар ётади. “Мардони гойиб” ёки “гойиб эран”лар кишиларга мадад берувчи, ёвузлик хуружидан химоя қилувчи, яхшилик қилувчи эзгу ҳомий сифатида талқин килинади. Уларнинг макони кўпинча фор, төг дараси деб талқин килинади. Улар кўзга кўринмайдиган, аммо бაзан камбагал, факир одам кўринишида кишилар орасида яшаб, инсонлар рухлари билан алоқада бўладиган ва ҳамиша одамларни кўллаб-куватлаб, яхшилик қилувчи кирк нафар эзгу рухлардир. Уларга нисбатан баъзан “гойиб эран” атамаси ҳам кўлланилади. Эранлар хакида “Ҳазрати Башир маноқиби” да шундай маълумот берилган: “наклдурким, гайб эранлари жамоатдурларким, буларни ражибон дерлар. Булар кирк ададдурларким, чилтланлар деюлур. Булар ҳамма вакт кирктадан кам бўлмаслар, буюк инсонлардурлар. Булардан бирорлари дунёдан ўтсалар, инсонларнинг ичидан яхши ибодаткунанда ва солих кишидан авлиё киши бўлса, қўшиб кўядирлар”<sup>1</sup>. Ёзи билан Зебонинг Гойиб эран номли мозорда кўздан гойиб бўлиши ва улар кириб кетган жой ўрнида төг қад ростлаши эпик қаҳрамонларни мифик кучлар ўз панохига олганлигини англатади.

Амин шоир Малик ўғли вариантида эпик қаҳрамонлар тақдири билан боғлик воқеалар талқини анъанавий ҳалқ достонлари сюжети таъсирида ўзига хос тарзда ишланганлигини кўрамиз. Кўпгина ҳалқ достонлари ва эртакларида бўлганидек, бу вариантда ҳам Зебо талабгорларнинг олдига жумбоқ кўяди ва кимки шу топишмокнинг жавобини топса, ўша талабгорга турмушга чиқажагини билдиради:

Гул Зебоман, ихтиёрим ўзимга,  
Кулоқ солинг менинг айтган сўзимга.

<sup>1</sup> А. Чориев Ҳазрати Султон тарихи ёки ҳазрати Башир маноқиби. – Тошкент: Шарқ, 1996. 243–244-бетлар.

Арк устига чикиб матал айтаман,  
Хоҳ сиз топинг, хохи ёрим, кайтаман.  
Ким топса Зебони ўша олади,  
Зебо кизнинг шарти шундай бўлади.

Белгиланган куни Зебога уйланмоқчи бўлган подшовачча билан чўпон Ёзи иккиси икки тарафида келиб турадилар. Зебо аркнинг устига чикиб қўйидаги матални айтади:

Йигитчадур етти нор,  
Бул нимадир, бекларим?  
Олдида олти моя,  
Бул нимадир, бекларим?  
Тўбамдаги тўрт қўчкор,  
Бул нимадир, бекларим?  
Алифдек тик тол хивич,  
Бул нимадир, бекларим?  
Бебутов ўсган тол хивич,  
Бул нимадур, бекларим?  
Бойловли бесуяқ кўзим,  
Бул нимадур, бекларим?

Тўйлик юборган мамлакатдан келган подшовачча хам, унинг донишмандлари хам бу жумбокнинг жавобини тополмайдилар. Шунда Ёзи ўртага чикиб:

Йигитчадур етти нор,  
Отагинанг эмасму?  
Олдида олти моя,  
Онагинанг эмасму?  
Тўбандаги тўрт қўчкор,  
Тўрттала аканг эмасму?  
Бойловли бесуяқ кўзи,  
Хандалакларинг эмасми?  
Толдай ўсган тол хивич,  
Қадду қоматинг эмасму?  
Бебутов ўсган тол хивич,  
Қаро сочгинанг эмасму?

Аммо подшозода Ёзи билан Зебонинг бир жойда туғилиб-ўсганлигини рўкач килиб, бу шартнинг бажарилишини адолатли, деб хисобламайди. Шунда киз иккинчи шартни баён қилиб: “Майли, хеч ким ноумид бўлмасин, яна бир матал айтаман. Довондор деган ана шу ерда бир тоғ бор. Шу Довондорнинг неча қояси бор, неча дараси бор, неча чашмаси бор, ана шуни саноғи бизда бор. Агар келиб тўғри айтса, биз ўшани қиласиз ихтиёр”, – дейди .

Довондорнинг йўлидаги чашмали кўл ичидаги аждаҳо бор бўлиб, кўзига кўринган жонзоротни ямламай ютар экан. Аждаҳонинг дарагини эшигтгач,

подшозода ҳам, унинг донишмандлари ҳам Довондор тогига боришига юраги бетламайди. Ёзи эса кўркмасдан чашмани санаб келишига рози бўлади ва ўзининг пирларини, боболарини, хўжайи Хидир алайхиссаломни йўклайди. Ўша заҳотиёқ ҳозир бўлган Хидир Довондордаги коя, дара, чашмалар нечталигини айтиб беради. Шу тариқа шартни уddaлаган Ёзи кирк кеча-кундуз тўй бериб Зебога уйланади.

Талабгорлар олдига жумбок асносида шарт қўйилиши ва эпик қаҳрамон ўзининг аклу фаросати, донолиги туфайли топишмоқ жавобини топиб, кизга уйланниш хукукини кўлга киритиши кўпгина ҳалк эртакларида учрайди. Одатда бундай эртаклarda жумбокни топиш баҳтига мусассар бўлган қаҳрамон ташки қиёфаси кўримсиз, кўпинча, кал сифатида тасвириланади. «Ёзи билан Зебо» достонининг қаҳрамони ҳам аслида кўркам йигит бўлишига қарамай, бошига корин ёки тери кийиб кал кўринишига киргани учун кўпчилик уни менсимайди. Ана шу жумбок қўйиш ва унинг очувини топиш мотиви орқали Ёзи нафакат тилла кокилли келишган йигит, балки ботиний жиҳатдан ҳам камолга етган покиза қалб эгаси, аклу фаросатда беназир эканлигини кўрсатади.

Бизнинг тахминимизча, Зебонинг «матал қўйиши» мотиви достон сюjetига ҳалк эртаклари таъсирида кейинчалик киритилган бўлиб, мазкур вариантдаги воқеалар ривожи Довондор тогидаги коя, дара ва чашмаларнинг сонини билиб келиш билан боғлиқ шартнинг қўйилиши ва эпик қаҳрамоннинг шу шартни бажариш орқали синовдан ўтиши тасвири билан якун топганта ўхшайди. Чунки Довондор тогидаги чашма ёнида аждаҳо бор бўлиб, шартни бажариши лозим бўлган талабгор дара, коя ва чашмаларни сонини билиш учун аввал ана шу тўсикдан ўтиши, яъни аждаҳони маҳв этиши лозим эди. Агар архаик мифология илон, аждаҳо каби мавжудотлар ҳаёт дарахтининг қуий кисми, яъни қуий олам билан алоқадор деб тасаввур қилинганлиги асослансан, Довондор тоги «ўзга олам» да жойлашганлиги, аждаҳо эса қаҳрамон сафари йўналтирилган макон чегарасидаги рамзий тўсик эканлиги аёnlашади. Колаверса, ҳалк эртакларида зулмат кучлари томонидан ўғирланган малика ёки нарса-ходисалар одатда ер остида жойлашган «ўзга олам»дан изланади. Шу боис, подшо ёки унинг кизи қўйган шартни бажариш, ўғирланган одам, жонзор ёки нарсани кайтариб олиб келиш учун йўлга чиккан эпик қаҳрамоннинг сафар йўналиши «куий олам»га қаратилади. Уч кисмли тузилишга эга олам ҳакидаги мифологик қарашларга кўра эса бир оламдан ўзгасига ўтиш йўли маълум асотирий кучлар томонидан муҳофазаланади. Мифологик ҳомийлар мадади ёки магик кучлар кўмагисиз эса бу тўсикдан ўтишининг имкони йўқ, деб каралади. Шунинг учун ҳам Амин шоир Малик ўғли вариантида чашма бўйига етиб келган Ёзи аждаҳога рўпара бўлишдан аввал ўз пирларини ёдга олиб, улардан мадад тилайди. Достон сюjetининг қадимий талқинида Ёзининг аждаҳо билан жанг қилиши мотиви ҳам мавжуд бўлганилиги эҳтимолдан холи эмас. Эпик анъананинг узлуксиз тараққиёти давомида ушбу мотивининг гаройиб ҳомий, яъни Хидир кўмагида шартни бажаришдан иборат талқини шаклланган.

Достоннинг Тожикистон республикасининг Восеъ туманидаги Юкори Зардолибоғ қишлоғида яшовчи Боки Пирназар ўғлидан 1963 йил июль ойида

фольклоршунос олим Т.Мирзаев томонидан ёзib олинган “Кал Ёзи” номли тұла бұлмаган вариантида тасвирланишича, Ёзи билан Зебо күвгінчилар яқынлашиб ушлаймиз деганда, бир ғорға кириб, тирикрай гойиб бўлган экан. Зебонинг кирган сридан кизил гул ўсиб чиккан экан. Ёзининг кирган жойидан сарик гул ўсиб чиккан экан.<sup>1</sup> Достон хотимасининг бу хилдаги талкини, яъни эпик қаҳрамонлар сирли равища гойиб бўлган ердан ўсимлик, яъни сарик ва кизил гул кўкариб чикиши мотивининг генетик асослари одам ўлгач, унинг жони ўзга шаклда, яъни муайян жонивор, ўсимлик, нарса-ходислар кўринишида “қайта тирилиши” ҳақидаги анимистик тасаввурларга бориб тақалади.

Достоннинг бадиий тили фоят ширадор, жозибали ва равон бўлиб, кишини лол қолдиравли даражадаги гўзал образлар ҳамда поэтик воситаларга бойлиги билан эътиборни тортади. Ёрмат бобо куйлаган “Зевак” достонида ёр ҳажрида бағри хун бўлган ошикнинг дарду ҳасрати акс этган қуидаги мисраларда кўзидан тўкилган хижрон ёши сой бўлиб окишию, сув кечаетган киприкларнинг ноласи юрак-бағрингизни ўртаб юборади:

Эй худёб, бокий умрим нечадир,  
Кўзим сою, кипригим сув кечадир.

Хизрнинг кўмагида жазирама чўлдан омон-эсон қайтиб келган Ёзи ок бўз туясидаги юкни туширгач, “Мени Ёзи, кўнгли ҳамиша сози дерлар. Агар ёрим бўлса, ёрим жавоб берар. Ёрим бўлмаса, кора уйнинг керагаси жавоб берар”, деб Зебонинг уйига караб, ўзининг қайтиб келганлигини билдирумак учун айтган кўшиғида ҳам “кўз ёши” образи воситасида яратилган бадиий тасвирнинг бетакор намунасини кўрамиз:

От чопиб чиқдим арикнинг бошига,  
Кокилим тушди кўзингиз ёшига.  
Сенга ошик – Ҳакқа ошик, Зебожон,  
Кўш тегирмон юрди кўзим ёшига.

Ёзининг тилла кокили ёрининг йўлига муштоқ бўлиб, айрилик азобида фард чекаётган Зебонинг бамисоли арик бўлиб оқаётган кўз ёшига тушиши ҳам, муҳаббат йўлида не-не азоб-укубатларни бошидан кечирган Ёзининг кўзидан тўкилган ёшлар “кўш тегирмонни юргизиши” ҳам достон қаҳрамонлари ички кечинмаларини муболага санъати воситасида теран ва назокатли ифодалашнинг ёркин далилdir.

Қаҳрамон рухияти ва ички кечинмаларини таъсирчан ифодалашда “кўз ёши” деталини кўллашдаги баҳши бадиий маҳоратининг юксак намунаси Қодир ва Абдукаххор баҳши вариантидаги “Кўз ёшимга кўкаради гиялар” мисраси ҳам мисол бўла олади. Ёки бошқа бир ўринда Майманонкнинг йўлини тополмай изтироб чекаётган Ёзи ёрининг диёри қайси тарафда эканлигини қанча сўраб-суриштирмасин, тайинли жавоб ололмагач, дарду ҳасратларини туяларига тўкиб солаётган пайтидаги рухий ҳолати акс этган:

<sup>1</sup> ЗЎФА. Инв.№1557.

Ох, десам охимга тоғлар күшилар,  
Заранлари ипдай бўлиб эшилар,  
Кўз ёшимга сийналарим тешилар,  
Қаботимда йиглаб туар чиялар,  
Хеч курса имлаб айтгин, туялар, –

мисраларида севгилисига етишиш умидида юрак-багри ўрганаётган ошик образи тасвирланган.

Мазкур достонда халқимизнинг неча-неча асрлар синовидан ўтиб, пурмалъо хикматга айланган дидактик карашлари, панд-насиҳат ва ўғитлари ҳам куймакулоқ ёзигўйлар тарафидан шеърга солиб куйланганинги кўрамиз:

Куш учар бўлса қаноти қайрилар,  
Давлат қайтса тахтидан хон айрилар.  
Эй худоё, йигитга берма ўлим,  
Йигит ўлса, киз баҳтидан айрилар.

Достонда поёнсиз кир-адирларда кўй бокиб юрган самимий ва камсукум чўпон йигит Ёзининг пок севгиси, вафодорлиги ва камтаринлиги, орзу-умидлари ва умидбахш хаёлларининг бегуборлиги, меҳнатсеварлиги, халол ва покдомонлиги, аҳдига содиклиги ва ҳатто ҳазилкашлиги шўхликлари, гўзалликда тенги йўқ Зебонинг ўзига ярашган нозу карашмалари, ҳар қандай кишини лол колдирадиган аклу заковати, ҳаё ва ибоси, меҳру вафоси билан кўшилиб бир бутун холида мухаббатнинг бокий кўшиги бўлиб жаранглайди. Еридан олисада бўлган Ёзи севгилисига етишолмаганидан дард чекиб:

Ёр, деганда юрагим ёрилмади,  
Ёр холидан бир хабар олинмади.  
Оёғимга уриб эди бир тикан,  
Бахтим қоралигидан олинмади, –

деб изтироб чекса, интизорликдан мадори қолмаган Зебо ёр йўлига қарайман деб “толга чиқса толча бўйи толгани”дан:

Қорайиб келган булут кор келтирас,  
Келмайин кетган йигит ох келтирас, –

деб қалб изтиробларини тўкиб-солади.

Достон қаҳрамони Ёзи гарчи камбағаллиги туфайли ёшлигига кўп азоб-уқубатлар чекиб, кишиларнинг эшигига хизматкор бўлиб ўсган, ҳаётдаги айрим ҳақсизлик ва камситишларни кўриб катта бўлган эса-да, ўзининг фидойилиги, халоллиги, ҳаққарварлиги ва меҳнаткашлиги туфайли юксак инсоний фазилатларга эга йигит бўлиб вояга етади. У ўз мақсадига етишиш учун аклу заковати, қобилияти ва тажрибаларига суннади. Ёзи образида ўз баҳтини халол меҳнатдан топишни ният килган покдомон ва ориятли инсон тимсоли акс эттанингини унинг қўйидаги сўзларидан ҳам билса бўлади:

Баланд-баланд тепада куш ўлтирас,  
Йўқчилик бошимга кулфат келтирас.

Хор бўлиб оға-инига зор бўлгунча,  
Тоғдаги арслон бўлай то ўлгунча.

Ёзигўйлар Зебо образини ҳам гоят юксак бадий маҳорат билан тасвирлаганлар. Гўзалликда тенги йўқ, бениҳоя малоҳатли кизнинг “оҳу кўзи”ю “писта даҳан”и ҳаммани мафтун этади, “моҳи мунаввар ҳусни тошни эритадиган” Зебо ўзининг ҳаё ва ибо сохибаси эканлиги, одоб-икроми билан ҳам ошигининг дилини ром этган. Ёзининг тилидан баён килинган куйидаги таърифда Зебонинг гўзаллиги “ок юз” ва “қаро зулф” деталларини каршилантириши воситасида шундай тасвирланган:

Қаро зулфинг ок юзингга ҳам тушар,  
Сени кўрсам юракка юз ғам тушар.  
Сен ўзинг ок уйингдан юриб чиқсанг,  
Гўёки қизил гулга шабнам тушар.

Қаро зулфинг ок юзингта беназир,  
Икки юзинг гули райхондан қизил.  
Қараб турсам бори ҳуснинг жой-бажой,  
Тишларинг султондир, лабгинанг вазир.

Зебо ўзига тўқ оиланинг фарзанди бўлишига қарамай покиза муҳаббат ва самимий қалб соҳиби бўлган камбағал чўпон Ёзига кўнгил қўяди. Ўз севгилиси мушкул аҳволда қолганида (масалан, дорга осилиши пайтида) ундан жонини ҳам аямайдиган фидойи маъшуқа эканлигини кўрсатиб, садоқатини намоён этади. Шу тариқа достонда тасвирланган Зебо образи қалб поклиги ва гўзаллигини улуғлайдиган инсон, вафодорлик ва меҳр-муҳаббат тимсоли сифатида талқин килинган.

Достонда тасвирланган Ёзи ва Зебо образлари замирида самимий севги, вафодорлик ва садоқат, меҳнатсеварлик, фидойилик, камтаринлик, ориятилилк каби энг яхши инсоний фазилатларни улуғлаш, зоҳирий ва ботиний гўзалликнинг ҳаётбахшлигини идрок этиш гояси сингдирилган. Ёзигўйлик анъанасининг гоят кенг кўламда ёйилиши ҳамда мислсиз даражада машхур бўлиб кетишини таъминлаган асосий омиллардан бири ҳам Ёзи образининг халқчиллигидир.

Биз “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигининг ушбу жилдига “Ёзи билан Зебо” достонининг хозирга кадар ёзib олинган тўла намуналари орасидан бадий жиҳатдан энг мукаммаллари деб хисоблаганимиз избосканлик Ёмат бобо, шахрисабзлик Ўрок Расулов, нуроталик Раҳматулла Юсуф ўғли, янгиқўргонлик Олимбой Сойиббоев, гиждувонлик Амин шоир Малик ўғли, янгиқўргонлик Раззоқ бахши Қозокбай ўғли ва дехқонбодлик Қодир Раҳим ўғли билан Абдукаҳҳор Раҳимов вариантларини кирийтдик. Бундан ташкари, мазкур жилдинг “Илова” қисмida мазкур достоннинг тўла бўлмаса-да, бадий ифодаси ўзига хос бўлган тўрт намунаси – “Кал Ёзи ва гул Зебо”, Ёзи

билан Зебо”, “Кал Ёзи”, “Зеважон ва кал Ёзи” номли вариантлари, шунингдек, турли жойлардан тўпланганд ёзигарлик кўшиклари хам берилди.

Бу жилдга киритилган фольклор асарларини ўқисангиз “Ёзи ва Зебо” факатгина ишқ-муҳаббатни куйловчи асар эмас, унда халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, урф-одатлари, расм-русумлари, эътиқод ва инончлари, дехқончилик, чорвачилик, хунармандчилик анъаналари хам ўз бадиий ифодасини топғанлигига амин бўласиз. Зеро, бу достон халқимиз ҳаётининг ўзига хос бадиий кўзгуси бўлиб, ҳамиша эзгулик ва гўзалликни улуғлаб яшаган аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратилган номоддий маданий мероснинг бебаҳо дурданаларидан биридир.

**Маматқул ЖЎРАЕВ**



Айтувчи:

Ёрмат бобо

Ёзиг олувчи:

Рафиқ Мўмин, 1922–1925 йиллар

Нашрга тайёрловчи:

Маматкул Жўраев

Ёзини энасининг корнида қўйинг, Зебожонни ҳам энасининг корнида қўйинг. Иккаласини энасининг корнида Оллоҳ таоло юлдузини бир қилиб қўйди. Ёзининг энаси туғди, икки тилла кокил билан туғди. Буни ҳалқ билмасин, деб бир қўзининг қорнини Ёзининг бошига ёпиб қўйиб, “Мен кал туғдим”, – деди.

Зебожоннинг энаси туғди, етти парда билан туғди. Иккаласи юраберди юраберди. Етти яшардан бўлди. Бир дўпписи бор эдиким, журдуровки эди. Латта-путтадан килган увадага ўхшар эди. Кўчалар тарак-турук бўлиб, бесаранжом бўлиб қолди. Ёзи энасидан:

– Нимага кўчалар бесаранжом бўлди-қолди? – деб сўради.

Энаси дедиким:

– Ўғлим, ҳайт бўлиб колиб, бугун ҳамма арафа кечалигини, ҳайт кулчасини ғамлайди, – деди.

Ёзи туриб дедиким:

– Йўмаса, эна, менга иккита қоп товиб беринг, бошок термалаб келаин, – деди.

Шунинг билан энаси иккита қопни шипдаги кажавадан товиб берди. Мулла Ортикнинг буғдойига янги ўрок тушган экан, Ёзи шунга караб йўл солиб кетди. Шунда борса, камбағал тумоёклар, оч-ориклар буғдойпояга бошокқа чикишган экан. Шунда буям бориб, бошоқчилар пири *Шумшук отани ёд қилиб*,<sup>1</sup> ундан бир бош, бундан бир бош олиб, ўрокчиларнинг ёнига бориб қолди. Борса, мулла Ортикнинг кизи Зебохон отга миниб олибди, чақмоқи телпакни бошига кийиб олибди. Бошоқчиларни у ёқ-бу ёққа суреби, зирқиллатиб қувиб юрибди. Шунда Ёзи кўркиб кочаман, деб бир кесакка қоқилиб, чалқай имон йиқилиб тушди. Бошидаги қўзининг қорни бир ёққа сурилиб кетиб, тилла кокиллари ялт этиб кўриниб қолди. Шунинг билан қўққисдан тилла кокилини мулла Ортикнинг кизи Зебохон кўриб олди. Буни кўргач, хушидан кетиб, отидан йиқилиб тушиб қолди.

– Хой бошоқчи, анови қалин ердан тер, манов ердан тер, отамнинг буғдойини терганинг билан камайиб кетмайди, – деди. Ёзининг кўлтиғига тикилиб, бошок қилиша бериб, бир боғ бошоқни килиб, Ёзига кўтартириб қўйди.

Ёзи терган бошоғини энасининг олдига кўтариб борди. Овучлашиб янчишса, бир ярим чакса буғдой тушди. Бир ярим чакса буғдойни Боки тегирмончининг тегирмонига олиб борди. Боки тегирмончининг тегирмонига қок тушдан кейин – намозгар палласи бориб етди. Бир ярим чакса буғдойнинг донини олиб, Боки тегирмончи уйига кетди.

Шунда бир ерда *етти пири*<sup>2</sup> билан ҳазрати Хизр ҳалқа уриб,<sup>3</sup> бир қанчалари чўкка тушиб ўтирган эдилар. Шунда Хизр бобо айтди:

– Ҳай, авлиёлар, ҳеч нарсадан хабаринглар борми?

– Йўқ.



— Боки тегирмончининг тегирмонида Ёзи бор. Бир ярим чакса буғдойни тегирмон килдириб ўтирибди. Бориб бир син солингларчи, мардон худойлик кўчасига юрадими, ё хумсалик кўчасига юрадими? — деди Хизр.

Шунда етти қаландар Боки тегирмончининг тегирмонига “дўст” тортиб борди. Ёзи тегирмондан чикиб:

— Қаранг, етти қаландар келибди, кип-кизил жандали, бири-бирисидан кучли, — деб бир ярим чакса буғдойидан етти қаландарнинг этагига етти ховучдан солиб берди. Етти қаландар олиб келиб, Хизр бобонинг этагига ағдаришди. Хизр бобоям қайтариб олиб келиб тегирмоннинг дўлига солди. Авлиёларга жавоб бериб юбориб, Ёзи билан тегирмонда қолди. Шундан кейин то тонг отгунча гулдиратиб тортабердилар.

Бир ярим чакса буғдойни тортиб беришини ўйлаб, Боки тегирмончи эрта билан бетини ювмасдан ювиксиз бўйича тегирмондан хабар олгани келавериб, узокдан қарасаки, Ёзи гардга беланиб тегирмон тортиб ўтирибди. Буни кўриб:

— Ҳой кал! Отангдан қолган омборни кўтариб келиб, менга бир ярим чакса буғдой тепасидан мушттак донни бериб, тонг отгунча тегирмоннинг хуморини эгарга ўтказибсан-да, — деди.

Боки тегирмончи Ёзи тарафга қараб босиб келаберганида, Хизр бобом тегирмон шоввасининг тагидан капитар бўлиб учеб чикиб кетди. Шунда Ёзи кип-кизил авлиё бўлди-қолди. У буғдойга ҳам қарамади, унга ҳам қарамади, чикиб кетди. Тўппа-тўғри мулла Ортикнинг овулуга бориб етди. Шу ерда ўн кун Зебожоннинг ишқида куйиб-ённиб ётди. Бир куни мулла Ортикнинг овул оқсоколлари йиғилиб келиб, айтдиларки:

— Ҳай, мулла Ортиқ! Солар отингга сомон, колар отингга ёмон дебди. Беш кундай кай Ёзи қаллангни ерга солар.

— Нима қиласай? Уриб ўлдирайми? — деди мулла Ортиқ.

— Мулла Ортиқ! Уриб ўлдирсанг, сенга унинг исноди қолади. Сенда нима кўп, от билан тия кўп. Туға-туға тўғотдан қолган битта орік қари түяни олиб кел. Икки қоп буғдойни устига орт. Сўнг Ёзини чакириб: “Ҳай, Ёзи, болам! Мана шугина икки қоп буғдойни Балх шаҳрига олиб бориб ун қилиб кел, ундан кейин қизимни бераман”, дейсан. У кетиб, шу кетишда йўл-йўлиқда ўлади, чўл жонзорларига ем бўлади. Сен ҳам ундан кутуласан-қоласан, — дедилар.

Шунда мулла Ортиқ Ёзига қичқирдики:

— Ёзи, ўглим, бунда келгин! Мана шу тия, мана шу буғдойни Балх шаҳрига олиб бориб, тегирмон қилиб келсанг, мен Зебожон қизимни бир кошик сув билан унаштираман-кўяман, — деди.

Ёзи:

— Хўп бўлади! — деб, мулла Ортикнинг қўлидан икки қоп буғдойни олаберди. Шунда Ёзи тияни еталаб ташқарига чиқаберган эдики, унинг



оркасидан оломон ҳам ияриб чиқиб кетаберди. Томошага ёш-яланглар, аёллар ҳам эргашиб чиқаберди. Орқама-орқа мулла Ортиқнинг кизи Зебожон ҳам йиғлаб чиқиб кетаберди. Зебожон айтадики:

— Аттанг, отам бунга ғазаб қилди, энди кўрсам кўраман, кўрмасам – йўқ. Юрагимдаги гапларимни айтиб олай, бир озгина дийдорига тўйиб олай, хуморимни босиб олай, – деб, Зебожон шунда юрагидан чиқариб нима деяпти:

Оқ юзим, кизил юзим ғижим-ғижим,  
Балхга кетиб борадирми ёлғизим?  
Үлтирган катта-кичик дуо килинг,  
Ой бориб, омонда келсин ёлғизим.

Шунда Ёзининг тумоёқ ва яккалиги таъсир қилиб, бу ғазални айтади:

Баланд-баланд тепада ғоз ўлтирап,  
Йўқчилик бошингга кулфат келтирап.  
Йўқ бўлиб, оға-иннига термулгунча, ёр ўргилай,  
Тоғдаги арслон бўлай то ўлгунча.

Шунда Зебожон Ёзига қараб, бир сўзни айтиб турибди:

Эй йигит, нечада бордур ёшингиз,  
10 Қоп-корайиб кўринадур қошингиз,  
Бир умр иззатда бўлсин бошингиз,  
Чўлларда Хизр бўлсин йўлдошингиз.


Шунда Ёзи “Кўрсам кўрарман, кўрмасам – йўқ” деб, бу ҳам бир ғазални айтиб турибди:

Мен кетарман, вафодорим, яхши қол,  
Жондин ортиқ севар ёрим, яхши қол.  
Жаннатий бўлсан кўрармиз гар насиб,  
Жонни қўшган севар ёрим, яхши қол!

Алкисса, Ёзи:

— Бўйингдан ўргилай ёрим, кўришсак кўришдик, кўришмасак жаннатда дийдор насиб этар! – деб туяни еталаб кетаберди. Неча кунлаб йўл юриб, йўл юрсаям мўл юриб, тўғри йўлга юриб кетди. Йўлнинг кафилини ким олган, ҳазрат Хизр бобом олган. Хизр Ёзининг тусининг жиловидан маҳкам ушлаб:

— Мулла Ортиқ сенга ғазаб қилибди. Туянгнинг юкини ерга туширгин, – деди.



Шунда Ёзи туриб:

– Бу ер кип-кизил қумлок чўл, жаҳаннам бўлса, туюмга янток топилмаса? Қандай қилиб тушираман? – деди.

Хизр бобом адирга қараб бир имо килди, ердан янток кўкариб, белбог бўйи баробар келди. Хизр бобом буни кўриб дедилар:

– Ана, туюнгга хашак, ўғлим, энди юкингни туширгин.

Ёзи янтокни кўриб, юкини тушириб, туюн янтокка ҳайдаб ўборди. Шунда Ёзи ёш бола, неча кундан бери хориб-чарчаб колган эмасми, бошини бир тошга кўйиб, донг котиб ухлаб қолди. Худонинг кудратини кўринг, Хизр бобомнинг кароматини кўринг! Якка тупроқдан кўштегирмон килдилар. Буғдой поядан нов қилиб, кўз ёшидан сув қилиб, икки тегирмонга икки қоп буғдойни солиб, хашиб-паш дегунча ун қилиб, қопларни тўлдириб кўйдилар. Келиб, Ёзини уйғотдилар.

– Тур, ўғлим! Тегирмондан юкингни тортиб ол! – дедилар.

Ёзи туриб, қопини карадики, оппок унга тўлиб турибди. Шунда Хизр бобом:

– Туюнгни олиб кел, – дедилар.

Ёзи югуриб бориб, тусини еталаб келди. Хизр бобом тяга гилам қилиб, танғиб бойлаб бердилар-да:

– Бу дунё – у дунё сафаринг бехатар бўлсин, ёнғон чироғинг ўчмасин!  
– деб дуо килдилар.

Ёзи туриб айтдики:

– Ота, мени дуо қилдингиз, йўлда йўлдошим дуосиз қолмасин. Менинг туюмни ҳам дуо килинг. Ҳоримасдан манзилига еткизсин, – деди.

Ҳазрати Хизр бобом қариб қартайган туюнинг сағрисига беш панжаларини кўйиб эдиларки, кора тия оппок бўз тия бўлиб тураберди. Худойи таолонинг кудрати билан тяга тил пайдо бўлди.

– Эй Ёзи, – деди. – Менинг устимга минсанг, сени манзилингга еткараман.

Ёзи жойидан туриб айтдики:

– Эй жонивор, мендан тортиш, сендан юриш, то манзилга етгунча йўлнинг танобини бирга тортайик, – деди.

Шундай қилиб, тусини еталаб келаётуб, кора тусининг бўз тия бўлғонининг шаънига шу сўзни деди:

Эй бўз от, жоним бўз от,

Мирғайиб бўйнинг узат.

Сен мени Зебога етказ,

20 Емишинг бўлар новвот.

– Сен мени ёримга етказсанг, тўрвангни банотдан, емишингни новвотдан қиласман, – деди. Шунда тусини тортиб, неча кун чўлда йўл



юриб, ўйл юрсаям мўл юриб, мулла Ортикнинг ғазаб килиб хайдаган жойига келди. Келса, мулла Ортик кўчиб кетиб қолибди. Сўнгра ундан-мундан сўраб, бир чўнки тошнинг камаридан топди. Адирда, кирларнинг устида туялари бўкиришиб, бўталоклари чопқиллашиб юришибди. Бу чекка овулларда ҳаммаёқ тошлок, ҳеч бир одам қимиз этмас экан. Буларни кўрган Ёзи:

Қибладан шамол бўлган экан,  
Мени худо урган экан.  
Ҳаммаси ўтган-кетган экан,  
Зебони эрга берган экан, –

деди. Шундан кейин:

– Ҳалиги ерда ўзимнинг ок бўз тумни шу туяларга қўшиб юборай, устидаги юкини туширай, кирқ овулга қараб юрай, анда ҳам бир сўз қиласай. Мени Ёзи, кўнгли ҳамиша сози дерлар. Агар ёрим бўлса, ёрим жавоб берар. Ёрим бўлмаса, кора уйнинг керагаси жавоб берар, – деди.


От чопиб чиқдим Одовлик қирига,  
Чин ошиқ нола килар ўз пирига.  
Кувватингдан ўргилай, Жаббор эгам,  
Ҳеч ошиқни қўшмадинг бир-бирига.

30  
От чопиб чиқдим тўқайлик ерига,  
Ҳар мурид кўл берадир ўз пирига.  
Ишқ йўлида кўнгли вайрон бандалар,  
Дардин айтиб йиглашар ўз ёрига.

Асли отим сўрасанг Ёзиназар,  
Ёрим излаб шунда мен килдим гузар.  
Ётиб эдим бир азизнинг қабрида,  
Анда килди Хизр бобо назар.

40  
Асли отим сўрасанг соҳибназар,  
Дарёйи шўрида килдим мен гузар.  
Бориб эрдим кўштегирмон бошига,  
Анда килди Хизр бобом бир назар.

От чопиб чиқдим ариқнинг бошига,  
Кокилим тушди кўзингиз ёшига.  
Сенга ошиқ – Ҳакқа ошиқ, Зебожон,  
Кўш тегирмон юрди кўзим ёшига.



Мулла Ортиқ овулида ким ётган эди, мулла Ортикнинг кизи Зебожон ётган эди. Етти пардана олиб ташлаб, паранг пўстинга ўралиб олиб ётган эди. Ёзининг довуши қулогига тушди. Эшикка чикиб караса, Ёзи булбулдак сайраб турибди. Гапирай деса, тили оғзига сигмай, микқай тутилиб қолибди. Пешонасидан оккан сув бетига бирдек томчилаб турибди. Шунда Ёзига аён бўлиб, дедиким:

– Сен микқай тутилиб қилибсан, сенга қараб бир сўз қилай, аклу хушингни олиб, бир жавоб қил, – деди.

Қаро зулфинг оқ юзингта ҳам тушар,  
Сени кўрсам юракка юз фам тушар.  
Сен ўзинг оқ уйингдан юриб чиқсанг,  
Гўёки қизил гулга шабнам тушар.

50  
Қаро зулфинг оқ юзингта беназир,  
Икки юзинг гули райхондан кизил.  
Қараб турсам бори хуснинг жой-бажой,  
Тишингиз султондир, лабингиз вазир.

Эшигингиз олди айвон, дилбарим,  
Кўчангиздан ўтди карвон, дилбарим.  
Халқи олам хушламас хусни йўқ деб,  
Кўзи Чўлпон моҳитобон, дилбарим.

Андижондан оккан дарё бошидур,  
Сирдарёси ошикнинг кўз ёшидур.  
Туркистонда қул хўжса Аҳмад Яссавий,<sup>4</sup>  
60 Тўқсон тўққиз машайхнинг бошидур.

Шунда Зебожон Ёзининг олдинги-кейинги йўлларига бир қилиб, кичкириб бир сўз деб турибди:

Бизнинг жойлар писта-бодом конидур,  
Фарзанд деган одамзоднинг жонидур.  
Қудратингдан ўргилай, Жаббор эгам,  
Ошиқлик можароти навқонидур.

Зебоойга ёр кўзи хумор эди,  
Ёзидан қиз анчайин хушёр эди.  
Ёзи туриб дедиким: – Можароти,  
Деб нени айтасиз, эй ёр? – деди.



— Можарот деб, йигитнинг отаси йигитга қайлиқ қилмасдан қизга хуштор бўлиб, хушторчилик қилиб юрса, ани можарот дейди. Қизнинг отаси қайлик қилмасдан хуштор бўлиб, деворлар орасидан уйга қараб юрса, бунга ҳам можарот дейди, — деди Зебожон.

Шунда мулла Ортикнинг кўй чўпони таёғини судраб келиб қолди. Иккаласини кўриб, билиб қолди. Мулла Ортик кўйга кетган эди. Кўйчивон тўғри мулла Ортикнинг олдига бориб айтди:

— Нимасини айтай, Мулла Ортик, Балх шахрига кетган Ёзи келиб, қизингнинг оғзига оғзини кўйиб, гаплашиб ўлтирибдур, — деди.

Мулла Ортикка бу гап алам қилди, бир ерга кириб кета қолмади. Ҳалқдан номус қилганидан:

— Эндики, агар Балх шахридан ўлмай келган бўлса, шу қўлим билан уриб ўлдирмасан мулла Ортик чириб кетсин! — деди.

Ёзининг бир қиёматли ўртоғи шунда ҳозир эди, бу гапни эшишиб, тўғри Ёзининг олдига қараб чопиб кетди. Келиб Ёзига айтдики:

— Ҳай, Ёзи, сени мулла Ортиқ ўлдирмокқа қасамёд қилди. Бугунки бутун, токи қиёмат куннагача шафоат қилмокқа ярайсанми? — деди.

Ёзи:

— Қўллай олишга ярайман, — деди.

— Қўллай олсанг, мулла Ортиқ сенинг конингта қасамёд қилди. Учтўрт кун юзингни пана қилиб юргин, гап шу, — деди.

— Үндоғ бўлса, ўртоқ, менга бир ёмон кетмонинг бўлса, чиқариб бер, — деди.

Кетмонни чиқариб берди. Ёзи кетмонни елкасига кўйиб Булоқбошига қараб чиқиб кетди. Бориб булоқни кўмиб ташлади. Етти пир билан Хизр бобом келиб, етти кунлик ерга булоқнинг устига қовун экишиб бердилар. Ёзи кала қилиб, қовунни пойлаб ётаберди. Кун иссиқ эди. Олти-етти кун ўтиб эдики, мулла Ортикнинг от, кўйлари чанқаб, кирилаберди. Шунда мулла Ортикнинг кўйчивонлари унинг олдига бориб айтдики:

— Нимасини айтайлик, бир эски пўстинли келиб, булоқни кўмиб, устига қовунни экиб, кала қилиб ётиб олди, — дедилар.

Шунда мулла Ортик:

— Ҳай, Зебожон қизим, борчи, қандай гап бўлибди? — деб буюорди.

Зебожон ўзига ўҳшаган мана-ман деган бой кизларни йигиб олди. Етти отлик бўлиб олиб, эрта билан Булоқбошининг устига қараб жўнаб кетди. Ёзи узоқдан қараб, буларни кўриб айтдики:

— Етти отлик келаётир қизил, сори, яшил, зангори кийинган, булар ким бўлди экан? Ҳа, олдида олтита бойнинг қизи, ўртадаги ўзимнинг ёрим Зебожон, — деди. Узоқдан шуларнинг қорасини кўриб, суюнганидан бир сўз деб қичкириб турибди:



Кулбай яксонда бўлдим интизор,  
 Етти навкар келдилар ул шахсувор.  
 Мисли кўклам бўлдию олам жахон,  
 Гул-чечакка тўлди ушбу мурғизор.

“Ҳаммасидан ўзимнинг ёрим чиройлик экан, агар келиб бир пиёла сув деса нимани бераман?” деб, бир косани кўлига олиб, ковун палакдан шудрингларни қокиб, тайёр килиб кўйди. Пўстиннинг тескарисини кийиб, балчикқа беланиб, капанинг устига чикиб ётаберди. Етти отлик келиб, отларини қантариб, етталаси ковун палакка оралаб кириб кетди. Бир палакдан еттита банд берган қовунни топиб олди. Сўйиб еяйин деса, пичоги йўқ. Зебожон Ёзига қараб сиёсат килиб:

– Ҳой, ковун сўйишга пичогинг борми? – деди.

– Бўйгинангдан ўргилай, бир жонивор кушим бор, – деб бир чаровзарни олиб, Зебожонга берди. Етти қовунни сўйиб, коса-коса килиб кўйди. Еяй деса кўли шарава ёпишоқ, ғаши келиб:

– Ҳай, олам расвойи сарига, сенда андак андиша борми? – деди.

Чойдишини кулдиратиб келиб, сувни шалдиратиб кўлига куяберди. Зебожоннинг қарагиси келмай, бўйнини товлаб бурабошлиди. Ёзи ҳаммасининг кўлига сув кўйиб берди. Қовунни ейишиб, тўбичок отга минишиб, отнинг бошини капалак килишиб, қайтиб кетабердилар. Буларни кўриб Ёзи:

– Бу ҳазилигами, чинигами? Бирор довуш килдимми? Менинг довушимдан танийсанми, йўқми? – деди.

Қамчилаб сурди самандар отини,  
 Бир ғазал устида айтай отини.  
 Бир салом берсам олмайдир алик,  
 Ёзига бермайди йўрга отини.

“Кимни айтасан”, демай отнинг бошини кўйиб юбориб кетаберган эди, “Сенинг бир жигарингдан тутиб айтай-чи, нима деяркансан”, деб бир сўз айтди:

Қамчилаб урдим самандар созини,  
 Гул танирми булбулнинг овозини?  
 Бетига тортибида етти парданি,  
 80 Сувсаб чанқаган таниди Ёзини.

Зебожон кетиб ётириб эди, буни эшишиб қайтиб келиб, лой сувнинг орасига қараса, кўрадики, Ёзининг кўзи йилтираб турибди. Иккиси икки тошга ўтириб, ҳасратлашаберди.

Олти бойнинг қизи:



— Зебожон Ёзисини топиб олди, бизга энди кетмақдан ўзга на илож қолди? — деб йўлга тушиб кетабердилар. Иккаласи гаплашиб ўлтириб, Зебожон кетатурғон бўлди. Ёзи кўлтиғидан кўтариб, отига миндириб қўйди. Зебожон нарирокка кетиб колган эди, Ёзига дард килдики: “Шундоғ ёрим кўзимча кетаётиди, мен шу палакни пойлаб ўлтираберамани?” — деди. Палакни эгасига топшириб, палакнинг шаънига бир сўз айтиб юборди:

Бир-бир тердим Тошбулоқнинг тошини,  
Ковун экдим палак килиб бошини.  
Пирлар кўллаб, етажакман муродга,  
Келган кўриб кетар Ёзи ишини.

Шундай килиб, Ёзи:

— Бокимат ака, сен болангни ол, Сокимат ака, сен холангни ол, — деб, этагини сумабел килиб қайриб олиб, кўлтиғидан ўткариб, кўчани чангитиб кетаберди. Иккаласи кетаётиди, бир айри йўл кўринди. Бир жойдан от мингган подшоҳзодами, тўн кийган бойваччами, узангни босиб от ўйнатиб чиқиб келаберди. Зебожон ичиди “Зап бойвачча экан, тагида яхши оти бор экан, устида яхши тўни бор экан. Ҳаргиз йўликманг хушторчиликка, мен отлик, Ёзи пиёда. Шу бойвачча билан бирга юрсам, ов килиб, кирларни кўриб келар эканман. Юрагимда бир ғазалим бор, шуни айтайн, агар бойвачча жавоб берса, унинг билан юрайин. Ёзи жавоб берса, Ёзи билан кетайин”, деди.

Толга чиқсан толча бўйим толади,  
Кетаберсан ёру жўрам қолади.  
Қайдан севдим икки юзи лолани,  
Бирин десам, бирининг кўнгли қолади.


Ёзи узуб айтдикси:

— Сенинг юрагинг икки хилдир. Бир ғазал айтайнки, ўлим-пўлимингта рози бўлгин, — деди:

90      Сувга боқсан, ойлиғ-ойлиғ оқади,  
              Ёрга боқсан ҳар макомда боқади.  
              Ўлим берсин ипирискининг қизига,  
              Пўстин кийиб, эчки-улок боқади.

Зебожон:

— Ҳа, дарров мени отамнинг қўй-қўзи, эчки-улок боқтиришини таъна килдингми? Ҳай, бойвачча, кайдин келган бўлсанг, ўшал ерга кет! Йўқса, бошингни танингдан ажратаман, — деди.



Кизнинг ўткирлигини кўрган бойвачча у ёкка кетишниям билмасдан, бу ёкка кетишниям билмасдан, отининг бошини дов тўхтатиб, турган жойида котиб туриб колди. Ковоини солиб олиб, Зебожон Ёзига хам қарамай, тўғри кетаберди. Ёзи ҳам икки оёгининг устида турганича туриб колди.

Зебожон кетаётуб эди, бир муюлишдан бир кора тулки чикиб колиб, Зебожоннинг олдидан ўтаберди.

Зебожон туриб айтдики:

– Аттанг, отамнинг тозиларини бошлаб келган бўлсам, тулкини ушлаб келтириб берар эди. Отимнинг қанжигасига боғлаб, овга олиб кетар эканман, – деди.

Хизр назар қилган Ёзига, бу аёндир унинг ўзига.

– Отангнинг тозисини йўклагунча, мени йўкласанг бўлмайдими? – деб пўстинини ташлаб, тулкини кувиб кетди. Бир тоғнинг камарига олиб бориб қамаб, тутиб келиб, Зебожоннинг отининг қанжигасига боғлаб туриб нима дейди:

Кезиб юрди, тупрокларни кирлади,  
“Бобо”, деди, тозисини чорлади.

Мирак курри деган отлик бор эди,  
Қайга борса тулкиси тайёр эди.

Зебожон туриб айтдики:

– Ҳай, Ёзи! Менинг билан биргалашганингга неча кун бўлди? – деди.  
– Беш-олти кун бўлди, – деди Ёзи.

– Шунча кундан бери ёнингдан тилла тугул, кора чақа чиқдими? Битта тулкини тутиб бериб менга миннат қиласан? Бу тулкини думидан ушлаб ерга бир ураман, тўғри бўйнидан лахта-бурда қони отилиб-қокилиб чикиб кетади, – деди.

Зебожон қовоини етти қарич солиб кетаберди. Ёзи ҳам пўстинини кўлтиғига солиб кетаберди. Зебожон ўзининг уйига бориб, отидан тушаётган эди, Ёзи кўлтиғидан пўстинини олиб кўйди. Ёзи отнинг жиловини бўйнига солиб олган эди. От пўстиндан хуркиб, Ёзини судраб кетиб қолди. Ёзи “дод” деб бақирган эди, Зебожон қараса, от Ёзини дангиллатиб судраб кетаётубди. Кўйчивонлар билан бирга қочган отни кўйларнинг ичига қамаб, Ёзини ажратиб олдилар.

Зебожон отни минди-да, Ёзига қарамасдан “ҳайт” деб кетаберди. Бир Ўнгор деган бир фор бор эди, Ёзи шунга бориб етди. Зебожоннинг Мирак деган оғаси бор эди. Ёзини ётган дарасидан тутиб олиб, зиндонга ташлади. Битта нон билан бир коса сувни олдига кўйиб:

– Томогинг мана шу, – деди. Ёзи зиндон ичидаги ётиб колди.

Кунлардан бир куни бир камбағал чол ўтин териб юрган эди, зиндоннинг олдига бориб қолди. Зиндонга қараса, кўзига коронгу



зиндоннинг ичиди Ёзи юргандай бўлиб кўринди. Ёзи тепасига қараса, бир оқсоқол киши бунга караб мўралаб турибди. Ёзи туриб айтдики:

- Ота, юртимизнинг подшохи тирикми, ё ўлукми? – деди.
  - Болам, тирик, – деди.
  - Овга чиқадими, йўкми? – деб сўради.
  - Чиқади, – деди.
  - Агар чикса, уни зиндоннинг бошига олиб келинг. Ёш ўлиб кетмай, арз килиб қолай, – деди.
  - Хўп бўлади, болам! – деб чол эшагига ўтинини юклаб кетаберди.
  - Ул кечаси уйида ётди, эрталаб туриб тўғри Абдуллахоннинг ўрдасига кетди.
  - Таксир подшоҳим! Мен кеча шул ёкка ўтин тергани чиккан эдим, илvasин кўп экан, – деди.
  - Кани, ундан бўлса мениям овга бошла, чирофим! – деди. Чол йўлдош бўлиб, биргалишиб кетабердилар. Чол илгарирок кетиб, Ёзига айтдики:
  - Ҳозир бу ерга подшоҳимиз келаяпти, арзинг бўлса айт, нима айтишни ўзинг биларсан, – деди.
- Ёзи қулоқ солиб турса, гулдираб отнинг товуши келиб колди. Зиндоннинг ичиди ётиб, Абдуллахонга қараб не деб турибди:

Эгам, солдинг мени сонсиз жафога,  
Чоҳ ичинда сигиндим Мустафога.<sup>5</sup>  
Не ёзигим бор эди, ёр, ўргилай,  
100 Мени солдинг бу коронгу чохига.

Шунда Абдуллахон отини дарров тўхтатиб, ўнг кўл вазири, сўл кўл вазири, элбеги, тунқотарларига қараб:

- Буни ким зиндонга солган? – деб сўради.
- Хеч ким довуш чиқарабермади. Абдуллахоннинг ғазаби келди, шунда тургандардан бири:

- Подшоҳим, бир кошик қонимдан кечинг, мен айтаман, – деди.
- Кечдим, айтгин, – деди.
- Ана шул турган Мирак солган, – деди.
- Мирак, сен солғанмисан? – деди.
- Мен солғанман, – деди.
- Туш, ўзинг олиб чиккил, – деди подшо.

Мирак зиндонга тушаберди, Ёзини кўрсангиз зиндоннинг деворига орқасини бериб ўтираберди.

- Ҳой, Ёзи! Абдуллахон подшоҳимиз сени чиқсин, деди. Мен Миракман, – деди.
- Мирак бўлсанг, олиб келган нон билан сувингни бу томонимга қўйиб кетавер. Бор, чиқмайман, – деди.

— Сен нега чикмайсан? — деб сўради Мирак.  
— Елкангга кўтариб чиксанг чикаман, — деди Ёзи.

Кўтариб чиқаман, деса, элдан номус қиласди, кўтариб чикмайман, деса Абдуллахондан кўркади. Ўлай-ўлай деб елкасига кўтариб чиқди. Абдуллахон қараса, бир барно болаки, хусни жамолига ҳамма ҳайрон қолади.

— Етмиш етти иклимга подшо бўлиб турсам, кўл остимда шундай бола борлигини билмасам, — деди. Бир марди қалонига буюрдиким:

— Бор, бу болани ўрдага элтиб кўй, дастёларга кўшиб кўй, хизмат килиб юрар, — деди.

Абдуллахон одамзодни хунук деб, *Кўхи Кофдан бир паризод хотин олган эди*.<sup>6</sup> Ёзининг келганини эшитиб, Абдуллахоннинг хотини қошига ўсма, кўзига сурма, бетига упа-элик суриб, ўзига оро бериб турган эди. Ёзи уни кўриб айтди:

— Абдуллахон одамзодни хунук деб, Кўхи Кофга бориб сени олиб келган экан. Бетларингга упа, кўзингга сурма, қошингга ўсма кўйғонинг билан чиройли бўларкансанми? — деб бир сўз айтди:

Ўсма билан қора қилманг қошни,  
Хуснинг бўлса эритади тошни.  
Жамолингга мен садаға, паризод,  
Авлиёлардан тиланг бардошни.

Шунда Абдуллахоннинг хотини оркасига қайрилиб қараса, бир бола турибдики, нақш олмага ўхшайди. Буни кўриб паризод ҳангуманг бўлиб қолди.

Абдуллахон шу тобда овда юрган эди, кўнглига не гаплар келиб, шайтон васвасага солиб кўйди. Ўзига ўзи айтди: “Ёзи мулла Ортиқнинг кизи Зебожонга етти йилдан буён хуштор бўлиб юриби. Сен уни Кўхи Кофдан олиб келган чиройли хотинингнинг олдига кўйиб келибсан. Дарров бориб дорга тортгайсан!”

Абдуллахон чиққан кўчадан, у отини суриб ўтган йўлдан Ёзи юриб бораберди. Бир жойда туриб айтди: “Сен энди мени дорга тортасан? Лекин мен хотинингнинг шаънини айтиб берай”, — деб, бир сўз деди:

Тим қорадир зулфи ҳам кокиллари,  
Йўл юрганда солланадир кўллари.  
Дастагул деб мақтаманг; Абдуллахон,  
Бунда борми Зебожоннинг тенглари?

Абдуллахон Ёзининг қўлини жаллодга боғлатиб, тўғри дорнинг тагига олиб чикиб кетаберди. Дорнинг тагига бориб, Ёзи чорзани куриб ўлтириб олди, ҳарчанд тортадиларким, Ёзини ўлтурғон жойидан

кўзгатиб ололмайдилар. Етти пир билан ҳазрати Хизр дорнинг тагига чодир-чўғма куриб ўлтуриб эдилар. Етти йилдан бери Ёзи Зебожоннинг дийдорини кўргани йўқ эди. Ҳазрати Хизр беш панжаларининг оркасидан Зебожоннинг руҳини кўрсатиб кўйдилар. Зебожоннинг руҳини кўриб туриб, Ёзи Абдуллахонга караб, бир сўз деб туриби:

Айт, деганда айтаберай зорни,  
110      *Бу Али майдонига тикар дорни.*<sup>7</sup>  
Садағагинанг кетай, Абдуллахон,  
Энди кўрдим ёрнинг дийдорини.

Айт, деганда айтаберай борини,  
Абдуллахон курди катта дорини.  
Садағагинанг кетай, кул бегим,  
Кўзим тўйди, кўриб ёр дийдорини.

Айт, деганда айтмаган номард экан,  
Қиз кўнглини топмаган номард экан.  
120      Молни берсанг кизга бергил, ўргилай,  
Ўлим берсин жувонлар номард экан.


“Дор баландмикан, пастмикан?” деб дорнинг устига караб юриб эди, дор ёғочида бир булбул кўкка тикилиб, кичкириб сайраб туриби. Шунда Ёзи булбулга караб, бир фазал айтганини кўринг:

Булбулим, етказ ёрнинг дийдорига,  
Осилибман подшохингнинг бу дорига.  
Барча эл куйганди биз бечорага,  
Кел, Хизр, ўзинг чикаргил дорига.

Шул вактда булбул дор ёғочидан мулла Ортикнинг овулини истаб учиб кетди. Учиб юриб мулла Ортикнинг овулини топди. Оқ уйнинг керагасига келиб кўнди. Кичкина бир тешик топиб, ок уйга кирди. Зебожон етти пардани юзидан олиб ташлаб, кўзи юмук бўлса-да, ўзи уйгок ётиб эди. Булбул Зебожоннинг хуснига маст бўлиб, оёғи керагада колди, боши осилиб қолди. Хушидан кетиб, бир соатдан кейин хушига келиб, Зебожонга караб бир сўз айтиб туриби:

Faflat босган барно-ей, ётурмисан,  
Дунёдан ёринг ўтар, кўурмисан?

Булбулнинг оғиздан сўзни тортиб олиб Зебожон, кулок солинг, не дейди:



Булбул жонивор, рост айтгил, мен ёримга етарманми,  
Мен ёримга еттандан сўнг, этагидан тутарманми?

Шунда булбул кўтарилиб учиб эрди, Зебожон самандарини миниб олди, чакмоқи телпагини кийиб олди, камарини белига маҳкам бойлаб олди, булбул билан дорнинг тагига етиб борди. Дорнинг тагига бориб караса, минг-минг одамлар йиғилган, карасанг дорнинг тагига сифмайди. Одамларни ёриб ўтиб, кизнинг ўткирлигини кўринг, дорнинг тагигача бориб етди. Кўрдики, Абдуллахон дорнинг ёғочига суяниб: “Торт, устунга торт!” – деб кичкириб турибди. Ёзини тортишга уч жаллоднинг кучи етмайди. Ёзини карасанг кўзидан окқан жаласи юзини-бетини ювиб кетиб боради. Шул вактда Зебо Ёзининг каршисига бориб: “Шундоғ марди худо ҳам йиғлар экан-да, ўлимдан кўрқар экан-да”, – деб Ёзига караб, бир сўз деб турибди:

130      Қирқ қулоч сочимни ёздим дорга,  
              Кўп фифон айладим сендеқ ёрга.  
              Сатқай отинг кетай, Абдуллахон,  
              Бегуноҳ Ёзини османгиз дорга.

– Гуноҳини топиб осинг-да, бекордан бекорга осаберасизми? – деди.  
Ёзи кўзларининг ёшини артиб караса, Зебожон кўзининг олдида ғазал айтиб турибди. Шунда у Зебожонга қараб шул сўзни айтди:

Қирқ қулоч сочингни ёзма дорга,  
Кўп фифон айлама мендек ёрга.  
Бунча ғамгин бўлмагин, эй Зебожон,  
Йиғлагувчи топилур мозорга.

– Бўйингдан ўргилай ёр, мен элнинг кўзига йиғлаб туралурман, ўтга тушсан саклайтурғоним бор менинг, – деб беш панжасининг орасидан ҳазрати Хизр билан авлиёларни кўрсатиб кўйди. Абдуллахон карасаки, мулла Ортиқнинг кизи Зебожон келиб, Ёзи билан айтишиб турибди.

– Ҳай, жаллод, тут мулла Ортиқнинг қизини! Ос дорга! – деди.

Ёзи буни кўриб:

– Айланай ёрим, сен бу ердан қайтиб кетгин. Менинг бошимга ҳарна келса кўзим билан кўраман, – деди.

Бу сўз Ёзининг оғиздан чиқар-чиқмай, осмондан фаришталар келиб, Зебожонни кўтариб чиқиб кетди. Жаллодлар тутолмай қолди. Энди Ёзига навбатни беринг. Пирларни ёд килиб, чилтанларни ёд килиб дорга чиқиб кетаберди:

Худойимнинг суйган қули, келгин энди,  
Муборак қадамингни қўйгин энди.

Етти пир оёгимга бўлгай зина,

140 Душманларга кўрсатманг мени яна, –

деб шундок оёгини кўтариб бир кадам босган ҳам эдики, юз жаллод бир тортиб дорга чикарди. Етти пир оёғига погона-погона бўлишиб, дорнинг тепасига ўтказишиб кўйди. Абдуллахон дорга қараса, Ёзи дор устида ўйнаб ўтирибди.

– Дорда ўлмади, дордан тушириб, отамдан қолган тогнинг тепасига олиб бориб ташлай, – деб олиб кетаберди.

Минортогнинг тагига етти пир билан Хизр чодир-чаманини қуриб ўтириб эдилар. Ёзини Абдуллахоннинг отасидан колган тогнинг энг баланд жойига олиб чикиб, тогнинг устидан ташладилар. Хизр бобом уни кўтариб олиб, ерга тушириб кўйдилар. Ёзи аввалгидай ўйнаб кетаберди. Абдуллахон қарадики, Ёзи тоғда ўйнаб юрибди. Аччиғи келиб буюрдики:

– Иккинчи марта олиб чикиб ташланглар! Тани итнинг жонидан ҳам каттник экан. Ҳарна бўлсаям, бу даъфа ўлар, – деди.

Жаллодлар судраб кетаётганида Хизр бобом келиб, дейдиларки:

– Эй Ёзи, бирор еринг оғримаса ҳам ерга думалаб, дод деб бошингни ушлаб ётавергин!

Шундай қилиб, тоғдан ташладилар. Ёзи ёлғондан ўзини ўликка солиб ётаверди. Абдуллахон буни кўриб, Ёзини ўша ерга ташлаб, лашкарини бошлаб кетаверди.

Абдуллахоннинг бир пири бор эди. Ана шу пир келди, деб хабар келди. Абдуллахон тилла жабдуклик от ясад, пирининг йўлига олиб чиқди, аммо пир отга мингани йўқ. Тилла тахтини кўндаланг қилди, аммо пир тилла тахтга чиқсани йўқ. Пири Абдуллахонга караб:


– Ҳали сен шу холинг билан хонлик қилиб юрибсан экан-да?! Ёзини дорга тортдинг, юз жонидан бир жониям колмай ўлар эди, шунда ўлмади – билмадинг. Тогнинг устидан ташладинг, ҳеч нима бўлмади, шундайм билмадинг. Ёзининг етти пири бор. Ҳаммаси ҳам авлийлардир. Дарров бориб Ёзининг кўнглини ол, бўлмаса оғзи-бурнингдан лахта-лахта қонингни оқизиб кўярлар, – деди.

Шунда Абдуллахон патарот қилиб Ҳиндистондан икки табибни олиб келиб, Ёзини табибларга кўрсатди. Ҳиндистондан келган табиблар минг тангаликдан тўрт юз тангалик дорини ичирсалар ҳам Ёзини бир ердан иккинчи ерга олиб кўя олмадилар.

Табиблар Абдуллахоннинг олдига келиб айтдиларки:

– Таксир, бу касалнинг салмоғи оғир экан, биз тузата олмадик. Икки юз тангаликдан тўрт юз тангалик дорини ичириб кўрдик. Ётган еридан кўзғатиб олиб кўя олмадик, – дедилар.

— ۱۷ —



ر ف ع ا ق د ن ل ا ق ا م ن

خا ف د ف ر ح ا ن ب ش و ع ا م ح ا ب د ب د و ب  
ز و ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د  
خ و ت ا ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د  
ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د  
ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د  
ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د ب د

Рафиқ Мүмин томонидан ёзб олинган “Зевак” достони кўлёзмасининг  
илк саҳифаси

Абдуллахон айтдики:

— Бўймаса, бир замбарга солиб, менинг олдимга олиб келинглар, —  
деди.

Замбарни олиб бориб, Ёзини замбарга солиб Абдуллахоннинг олдига  
олиб келдилар. Абдуллахоннинг олдига олиб келганларидан кейин  
навбатни замбар ичидаги Ёзига беринг:

Хинди斯顿 табиблари келар-кетар,  
Дардим сийнамдадир, табиб нетар,  
Менинг ёрим табиб бўб келса нетар?

Шунда Абдуллахоннинг доно вазири жойидан туриб:

– Агар мулла Ортикнинг қизи келса, Ёзи тузалар экан, – деди.

Абдуллахон:

– Ўрнингдан тур, ўғлим Ёзи, сен замбардан тургин. Сени отга мингизай, тўн кийгизай, салла ўратай, қайдан бўлса ҳам мулла Ортикнинг қизини топиб, вазирлар олдида бир кошик сув ила никоҳлаб қўйяй, – деди.

Шунда Ёзи: “Ё пирим!” – деб замбардан иргиб турди. Ёзига оқ тўн кийгизди, оқ салла ўратди. Бир бўз отга миндирди. Абдуллахон ўнг кўл вазири, сўл кўл вазири билан, кўчлари билан мулла Ортикнинг овулини истаб кетди.

Мулла Ортик отларни боғлатиб, оқ уйга тушири. Мехмонларнинг олдига дастурхон солайин деди, аммо буларнинг ҳайбатига ботиниб келомади. Қизи хушёр эди, отасидан:

– Не учун ҳайрон бўлиб турибсиз? – деб сўради.

– Қизим, оқ уйга азиз меҳмон келиб тушди, Хизр-Иллэс эканини ҳам билмадим,<sup>8</sup> авлиёлар эканини ҳам билмадим. Қандай дастурхон солишга ҳайронман, – деди.

Шунда қизи:

– Сиз худойимнинг бир кўр бандаси. Мен дорнинг тагида Абдуллахонни ҳам кўрганман, Хизрни ҳам кўрганман. Етти пирни ҳам кўрганман, мени етаклаб боринг, – деди.

Мулла Ортиқ қизининг кўлидан етаклаб борган эди, кўрдики, дорнинг тагида туриб, “Дорга торт дейман, торт!” – деб турган Абдуллахон ўлтирибди, ўнг кўлда вазири, сўл кўлда Ёзиям ўтирибди. Қизи суюнганидан отасига қараб бир сўз деб турибди:

Ўртадаги Абдуллахон эмасми,  
Ўнг кўлдаги вазири сulton эмасми?  
Танимайман ўз ёримни, ёр ўргилай,  
Сўл кўлдаги Ёзи чўпон эмасми?

Шунда Ёзининг кўнглига бад гумон келди:

– Ўртадаги Абдуллахон дединг, дуруст дединг, ўнг кўлдаги вазири сulton дединг, дуруст дединг. Аттанг, мени чўпон деб кўйдинг. Сени отаонанг олдида бир мулзам килай, хукмингта ризо бўл, – деди.

Шом кирганда тол тагида ўйнаган,  
Кора кўрса паст девордан бўйлаган.